Куч — адолатда

# Адолат

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2003 ЙИЛ 16 МАЙ

19 (500)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сотувда эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ «УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!

Аввалambor, сизларни, мана шу муҳташам майдонда тўпланган, қизғин беллашувларга шай бўлиб турган барча ўғил-қизларимизни бугун қадим Хоразм воҳасида бошланаётган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

"Умид ниҳоллари" деб ном олган, ўқувчи ёшларни чиниқтириб, иродасини тоблайдиган бу кескин спорт мусобақалари униб-ўсиб келаётган сиз, ёш авлодимизни Ватанни ҳимоя қилишга, уни улуғлаш, қудратига қудрат қўшишга, халқаро майдонларда унинг обрў ва нуфузини янада юксалтиришга қодир бўлган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Эл-юртимиз бугун сизларга катта умид боғлаб, том маънодаги баркамол бўлиб етишишингиз учун барча имкониятларни яратиб, олдингизда истиқболнинг равон йўлларини очиб бермоқда.

Бугун сиз, азиз болаларимизнинг бетакрор ўқувчилик йилларингиз сермазмун ва тўлақонли бўлиб ўтиши ва ҳаётда муносиб ўрнингизни эгаллаб олишингиз учун ота-онарингиз, устоз-мураббийларингиз қаторида бутун халқимиз тинмай хизмат қилмоқда.

Ишончим комилки, сизлар мана шундай юксак эътиборга жавобан халқимизнинг таянчи ва суянчи, Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвари бўлиб улғайишга, жаҳон спорт майдонларида мамлакатимиз байроғини ҳамиша баланд кўтаришга бор куч ва имкониятингизни сафарбар этасиз.

Мен Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд сингари буюк баҳодирлар етишиб чиққан мана шу муқаддас заминда бўлиб ўтадиган спорт беллашувларида барчангиз ғолиблик учун ҳалол ва мардона кураш олиб борасиз, маҳорат ва қатъиятингизни намоён этасиз, деб ишонаман.

Азиз ўғил-қизларим!

Шу фурсатдан фойдаланиб, қисқа муддатда замонавий ва муҳташам спорт иншоотларини бунёд этиб, сизларнинг ихтиёрингизга топширган қўли гул қурувчиларга, шу хайрли ишда қатнашган барча ташкилотлар, туман ва вилоят ҳокимликларининг ходимлари ва раҳбарларига, бутун Хоразм аҳлига сиз, ёшларнинг номингиздан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Жисмоний баркамоллик, куч ва ирода, гўзаллик ва нафосат байрами бўлган бугунги спорт ўйинларининг бошланиши билан сизларни яна бир бор қутлаб, барчангизга бўлғуси беллашувларда зафар ёр бўлишини тилайман.

Спортда ҳам, ҳаётда ҳам бахт ва омад доимо ҳамроҳингиз бўлсин, азиз фарзандларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## НИҲОЛЛАР САФ ТОРТДИ АМУ БЎЙИДА

*Журналистлар Рўзимбой ХАСАН ва Эркин ХОЛБОБО Урганчдан хабар қиладилар*

***Кўпдан кутилган, орзиқиб кутилган улкан спорт байрамига ниҳоят кўҳна воҳада "Оқ йўл" тиланди, старт берилди. 2600 нафардан зиёд ёш спортчилар ғайрат отига миндилар, маҳорати, куч-қуввати, омадини синамоққа аҳд қилдилар.***

Армонлар ушаладиган, орзулар қўшалоқ-қўшалоқ амалга ошадиган кунлар, дақиқалар, сониялар бошланди. Бугун вилоятининг, эртага давлатимизнинг шон-шарафини шоҳсупаларга олиб чиқадиган ғалабага чанқоқ спортчиларга омад ёр бўлсин!

...Арафада 13 май куни мусобақанинг рамзий машъаласи Хоразмга етиб келди. 11 май куни эрталаб Паркентдаги "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида офтоб нуридан машъалани ёндириш бахти кураш бўйича кўп карра Осиё ва республика чемпиони Фурқат Саидовга насиб этди. Машъала икки кун давомида Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари ва Қорақолпоғистон Республикаси ҳудудларидан олиб ўтилди. Босиб ўтилган 1207 километр йўлнинг 56 чақиримида машъала қўлма-қўл, эстафета тарзида кузатилди. Жойларда учрашувлар, митинглар бўлиб ўтди. Машъала кузатувчилари учрашувларда ёшларга спорт мусобақаси ҳақида сўзлаб беришди, қариялар уларга "Оқ йўл" тиладилар.

14 май куни эрталаб соат 10.00 да Урганч шаҳрида "Олимпия" заҳиралари коллежининг очилиши билан спорт байрами расман бошланди.

Урганч аэропортининг шундоқ яқинида бунёд этилган коллеж ҳар томонлама жаҳоний андозаларга жавоб бера олади. Жами 17 гектар майдонни эгаллаган коллеж аслида йирик спорт мажмуасидир. 1050 талабага мўлжалланган коллежда уч қаватли ўқув биноси, ўйингоҳ, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, 3 та очиқ ва ёпиқ теннис кортлари, бадиий гимнастика саройи, спортнинг 20 тури билан шуғулланишга имкон берадиган 18 та спорт майдончалари мавжуд. Бир сўз билан айтганда XXI аср бошламасида бунёд этилган коллеж давлатимизда тенгсиз саналади.

Коллежнинг очилишига бағишланган тантанада "Хоразм қурилиш" ҳиссадорлик жамияти раиси Қадамбой Нуниёзов рамзий калитни коллеж директори Ғафур Жуманиёзовга топширди. Вилоят ҳокими Ислом Бобожонов коллежни қисқа фурсатда, сифатли қуришда ўрнак кўрсатган бир гуруҳ қурувчиларга қимматбаҳо совғалар топширди. Коллеж олдидаги рамзий лентани қирқиш бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийларига насиб этди.

Тантанада Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К.Юсупов, Ўзбекистон Миллий Олимпиада қўмитаси раиси А.Носиров, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломовлар қатнашдилар.

Янги коллеж очилиши биланоқ унинг ўйингоҳларида сузиш, енгил атлетика, бадиий гимнастика, волейбол, теннис, баскетбол, қўл тўпи каби спорт турлари бўйича беллашувлар бошланди. Айни пайтда Урганч мелиорация ва сув хўжалиги коллежи, Урганч қурилиш коллежи, Урганч Давлат университети, Хоразм педагогика коллежи, Урганч "Пахтакор" коллежи, Янгибозор спорт коллежи, Шовот маиший хизмат коллежи, Хива махсус спорт интернати, Ҳонқа, Боғот, Хива туманлари билимгоҳларида спортнинг қатор турлари бўйича томонлар ўртасида илк беллашувлар старт олди.

...Кечқурун соат 19.00 "Хоразм" марказий спорт мажмуаси ниҳоятда гавжум бўлди. Спорт шодиёнасига йиғилганларнинг байрамга атаб тикилган либослари, минглаб байроқлар, турфа рангли чироқлар 25 минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳга ўзгача кўриниш бағишлаган барча туманлардан келаётган томошабинлар икки бора ёғиб ўтган ёмғирга ҳам писанд қилишмади. Кейин мусобақа тантаналарини очиш учун ўйингоҳнинг ям-яшил чимзоридан ёмғир сувлари челаклар билан тўплаб олиб ташланади. Табиатнинг бу қилиғи тантаналар маромига мутлоқа таъсир қилмади. Воҳаликлар ёғингарчиликни ҳам эзгуликка-табиатни гардғуборлардан тозаловчи Оллоҳ иноятига менгзашади.

Соат 20.00 га яқинлашади. Майдонга анвойи либослардаги минглаб қиз-йигитлар тантановар кириб келадилар-буюк хофиз Комилжон оға Отаниёзов ижро этган "Хоразм лазгиси" таралади. Ўйноқи куй, дилрабо рақс ижроси асносида майдонда турфа ранг гуллар очила боради, тўрт метрлик баландликдаги 24 та лоланинг шу тахлит очилиши "Умид ниҳоллари"нинг рамзий мақсади-бу мусобақалардан кўзланаётганимиз шу ёшлар орасида яқин келажакда жаҳон тан берадиган машҳур спортчилар кўз очишига ишора, орзудир. Майдонга давлат байроғини кўтарган аскарлар ва мусобақа байроғини кўтарган ёш спортчилар кириб келадилар. "Хуш келдингиз, Хушнаво Хоразмга" хитоби янграйди. Ўтган галги мусобақаларда ғолиб бўлган Тошкент шаҳри ёш спортчилари майдонга кириб келаётган 14 жамоага сардорлик қилди.

Хоразм вилояти ҳокими, "Ўзбекистон Қаҳрамони" Ислом Бобожонов бош мезбон сифатида бутун воҳа аҳли номидан меҳмонларни муборакбод этади. Юртбошимизнинг мусобақа иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов эшиттирди. Давлат мадҳияси янграйди. Ёш спортчилар Ватанга, юртбошимизга садоқатли бўлиш, ҳалол курашиш борасида қасамёд сўзларини такрорлашади.

Кейин ҳақиқий байрам-маҳобатли томошалар бошланади. Минглаб спортчи ёшлар спорт турлари бўйича машқлар намойиш этадилар, ёш курашчилар бел олишадилар. Майдонга мусобақа машъаласи тантанаси кириб келади. "Умид ниҳоллари-2003" мусобақасининг рамзий машъаласини ёқиш воҳалик икки таниқли ёш спортчи, кураш бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Алишер Қурёзов ва шаҳмат бўйича республика биринчилиги ғолиби Моҳира Аминоваларга насиб этди.

... Майдонда турфа либосли қизлар "Спорт" сўзини ҳосил қилишади. Дилдора ижросида "Паҳловонлар, полвонлар" қўшиғи янграйди. Ака-ука Эшчоновлар "Ўзбекнинг", Фаррух Зокиров "Бугун байрам" қўшиқларини композицион рақсларга уйқаш ижро қилишади.

...Қўшиқлар-рақсларга, рақс-қўшиқларга уланди. Байрам роса татиди. Бояги ёғиб ўтган ёмғир унут бўлди. Томошалар давомида тўлин ой булут орасидан чиқиб, осмоннинг қоқ тепасида нур таратиб турибди... тантаналарга уйғунлик бахш этмоқда.

Байрамнинг биринчи куни мушакбозлик билан якунланди. Яъни, тантанали очилиш маросими шу тахлит поёнлади, байрам-спорт байрами энди бошланаяпти.

*Ўзбекистон-демократлаштириш йўлидан*

## ТОРТИНЧОҚЛИК, АНДИША БУГУН БИЗГА ЯРАШМАЙДИ,

*демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас дадил иштирокчиси бўлайлик, дея таъкидлашмоқда Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилоят Кенгашининг фаоллари*

***Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократлаштиришнинг, жамиятни янада эркинлаштиришнинг ўрни, аҳамияти беқиёс. Ислоҳотларнинг бундан кейинги ривожи, иқтисодий юксалишлар суръати айнан шуни талаб этмоқда. Зеро, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессияда таъкидланганидек: очиқ, эркин демократик жамият қуриш-фаровон келажакка қаратилган ягона тўғри йўл.***

***Хўш, бу ўринда сиёсий партияларнинг, нодавлат, жамоат ташкилотларининг иштироки қандай бўлмоғи лозим? Жамиятни эркинлаштириш, ислоҳотларга онгли муносабат уйғотишда самарали иш усулларидан фойдаланилаяптими?***

***Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилоят Кенгаши ва унинг жойлардаги бошланғич ташкилотларининг бугунги фаолияти мисолида бу саволларга жавоб излашга ҳаракат қилдик.***

**Жуманиёз Алибеков, Самарқанд вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби:**

—Дунё тажрибасидан шу нарса маълумки, демократлаштириш энг илғор мамлакатларда тараққиёт калити бўлиб хизмат қилиб келган. Европада ҳам, Осиёда ҳам, Америкада ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин. Чунки фикр ва ҳаракатлар эркинлиги кишини ўйлашга, янгилик яратишга, ташаббускорликка ундайди, фуқаро жамиятдаги ўзгаришларнинг онгли иштирокчисига айланади.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида янада кучлироқ туртки бўладиган ҳолат зарурлигини тушуниб етдик. Бу - жамиятни эркинлаштириш сиёсатидир. Бу сиёсат нафақат ўзлигимизни англаб етишимиз, ўз ҳуқуқ-бурчларимизни англаб билишимиз, балки, жаҳон ҳамжамияти ҳам бизни ошкор тан олиши, иқтисодий интеграциялашув жараёнларида фаол иштирок этишимиз учун ҳам бениҳоя зарур.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Руспубликаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида жуда тўғри таъкидлаганидек, жамият сиёсий ҳаётини фаоллаштириш, фуқароларимизда ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ўзлигини англаш туйғусини кучайтириш бугуннинг долзарб вазифасидир.

Айни шу масалада партия ташкилотлари етакчи ролни амалга оширишлари керак. Ҳокимият, бошқарув идоралари ва фуқаролар билан муносабат ўрнатишда, мулоқотга киришишда тортинчоқлик, андиша бугун бизга ярашмайди. Жойларда амалга оширилаётган ислоҳотларга танқидий кўз билан қарашимиз, эришилган натижалар билан кифояланиб қолмаслигимиз керак. Биз ҳар бир шаҳар, туманда, ҳар битта маҳалла ва меҳнат жамоасида ўз вакилларимиз бўлишига эришиш ва улар орқали ижтимоий ҳаётга таъсир кўрсатиш, адолат мезонларини қарор топтиришга интилаяпмиз.

Яқинда Жанубий кон бошқармаси бошлиғи Юрий Акопяннинг "Адолат" СДП Самарқанд вилоят Кенгаши томонидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзоди Кўрсатилиб, сайланганлиги Самарқанднинг олис бурчагида ҳам партиямизнинг нуфузини оширди. Кончилар дастуримиз ғоялари ва режалар билан астойдил қизиқиб қолдилар. Энди улар ўз ҳудудларидаги муаммоларни ҳал этишда, ижтимоий шароитларни яхшилашда партиямизга бемалол суянишлари мумкинлигини тушуниб етдилар.

Икки палатали парламентга бўлажак сайловлар арафасида партиявий ишлар самарадорлигини оширишга, меҳнат жамоалари, аҳоли билан учрашувлар ўтказишга, Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган қонунлар моҳиятини уларга етказишга ҳаракат қилаяпмиз. Шаҳар ва туманлардаги 400 га яқин бошланғич ташкилот ва 5 мингдан зиёд партия аъзолари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишимиз жойлардаги вазиятдан вақтида хабардор бўлишимизга, зарур хулосалар чиқаришимизга имкон бермоқда. Аниқланган муаммолар бўйича вакилларимиз ҳокимият ва бошқарув идораларига ўз таклифларини киритмоқдалар. Ҳатто таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот бўйича ҳокимлик идоралари қошида тузилган гуруҳларига раҳбарлик қилмоқдалар. Партиянинг Тойлоқ туман Кенгаши ва унинг саркотиби Соли Қурбонов хусусида шундай фикрни айтиш мумкин. Бу тиниб-тинчимас инсон партиявий ишлар муваффақиятини шахсий ташаббускорликда деб билади. Шу боис туманнинг Сочакипоён қишлоғида мактаб, врачлик пункти қурилишида бош-қош бўлди. Энди эса тумандаги кўплаб бошланғич ташкилотлар ва партия фаолларига суяниб маҳаллаларни ободонлаштириш ишларини кучайтирмоқда.

Шунга эришишимиз лозимки, ҳар битта маҳаллада, ҳар бир жамоада фуқаро бизга ишонсин, эргашсин. Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга, дунё теварагидаги теран муносабат билдирадиган бўлсин. Чунки демократлаштириш қуйидан амалга оширилгандагина кутилган натижани беради.

**Гулбаҳор МУҚАДДАСОВА, Жомбой тумани партия Кенгаши саркотиби:**

—Маҳаллани баъзан "демократия дарсхонаси" деб ҳам аташади. Нега? Шунинг учунки, маҳалла соғлом ижтимоий муҳит масканидир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри ҳукмронлик қилади, маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради.

Олий Мажлис сессиясида Юртбошимиз таъкидлаганларидек, айни шундай тузилмаларда давлат ва мамлакат раҳбарияти олиб бораётган ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатга танқидий жиҳатдан холис баҳо берилади, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан билим ва тажриба, фуқаролик позицияси ва ёндашуви шаклланади.

Демак, биз партиявий ишлар маркази сифатида маҳаллаларни танлаб хато қилмаганмиз. Бугун маҳаллаларда 8 та бошланғич ташкилот, 150 нафар партия аъзолари бор. Уларнинг аксарияти зиёли, билимдон кишилардир. Шу боис фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишда, ҳуқуқ-бурчларини англаб етишларида бор билим ва маҳоратларини ишга солмоқдалар.

Жомбой тумани хусусийлаштириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришда республикамизда ҳам ўзига хос тажриба мактабига эга. Негаки бу ерда мулк эгаларига тўсқинлик қилишмайди. Уларнинг самарадорликка эришиш, иқтисодиётни соғломлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари лозим даражада қўллаб-қувватланади. Фермер ёки мулкдор бошқарув идоралари билан эркин фикрлаша олади.

Демократлаштириш учун ҳам айни шу ҳолат зарур. Яъни халқ ўз фикри билан ҳисоблашаётганлигини тушунсин, ислоҳотларга онгли муносабатда бўлсин.

Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида илгари сурилган хулосалардан келиб чиқадиган бўлсак партия ташкилотининг обрў-эътибори сиёсий курашчанликка, демократлаштиришни сўзда эмас, амалда қўллаб-қувватлашига қараб белгиланади.

Бугун қишлоқ фуқаросининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш хусусида кўпроқ қайғуришимиз лозим. Чунки эркинлаштирилаётган жамиятда қонунлар моҳияти чуқур англаб етилиши, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларига бирдек амал қилиниши зарур.

Ҳозирги ислоҳотлар даври, туб бурилишлар жараёни биздан теран мулоҳаза, хушёр қарашларни талаб этади. Чунки Миллий уйғониш, жаҳон саҳнасида ўзимизни намоён этиш пайтида синиқ ва ўйчан нигоҳлар эмас, фикрлайдиган, ҳаракатланадиган, ишлайдиган, муносабат билдирадиган қарашлар эгаси зарур.

**Гулсум ИСМОИЛОВА, Окдарё тумани партия Кенгаши саркотиби:**

-Шўролар даврида мамлакат ҳаёти ўта сиёсатлаштирилиб юборилганлиги, ҳар қандай демократик ҳаракатларга сиёсий нуқтаи назардан туриб "баҳо" берилганлиги ўз асоратларини кўрсатиб турибди. Оддий фуқаро баъзан сиёсатдан четда туришни афзал билади. Партия фаолиятини ташкиллаштиришда қийинчиликка дуч келаётганимизнинг сабабларидан бири ҳам шунда.

Лекин бугун сиёсий саводхонлик, сиёсий фаоллик ҳар биримиз учун зарур фазилат. Ахир мамлакатимизда, дунёда қандай жараёнлар кечаётганлигига бизни қандай тақдир кутаётганлигига бефарқ қараб бўладими?

Демак фуқароларда сиёсатга ишонч уйғотиш, уларни мамлакат тақдирига хушёр қарашга одатлантириш зарур.

Асли касбим врачлик бўлгани боис турли тоифадаги одамлар билан тез-тез учрашиб тураман. Уларнинг яшаш шароитларию муаммолари билан қизиқаман. Турмушдаги чигал вазиятлар ҳақида сўзлаб қолишса "сиз қандай йўл тутган бўлар эдингиз" деб сўрайман. Суҳбатдошимнинг муаммони танқид қилишини эмас унга ечим излашини, соғлом фикр баён этишини ҳам кутаман.

Фикримча партия ташкилоти билан фуқаро ўртасида бир-бирини тинглаш ва ҳамкорлик қилиш борасида айни шундай муносабат зарур. Ташкилотимизнинг 800 дан зиёд аъзосини шу хислатларига қараб партияга қабул қилганмиз десам янглишмайман. Чунки улар ўз фикрларида мустақил, ўзгалар фикрини ҳам ҳурмат қилишади. Парламентга бўлажак сайловлар арафасида улар орасидан энг муносибларини танлаш, депутатликка номзод сифатида тарбиялашга интилаяпмиз.

Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида қонунларни мукаммаллаштириш йўлида яна бир катта қадам қўйилди. Ҳокимият тузилмалари демократик давлатга мос тарзда шакллантирилган бўлади. Лекин сессияда Президентимиз жуда тўғри таъкидлаганларидек, ана шу ҳокимиятни сайлаш ва шакллантиришда халқ хоҳиш-иродасининг эркин намоён бўлишини таъминлай олмасак, энг етук, юксак демократик тамойилларга жавоб берадиган сайлов тизимини марказда ҳам жойларда ҳам жорий этмаслик буларнинг барчаси қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Биз бўлажак сайловларда муваффақиятли иштирок этиш, маслакдош орттириш учун ишни фермерлар манфаатларини ҳимоя қилишдан бошлаган эдик. Ҳокимлик ва бошқарув идоралари билан қийин мулоқотлардан сўнг фермерларга ер ажратилишига, бу борадаги расмиятчиликларга барҳам берилишига эришдик. Қишлоқ хонадонларини газлаштириш, электр таъминотини яхшилашда ҳам жамоатчилик назоратини ўрнатганимиз катта натижа бермоқда.

Демоқчиманки, жамоатчилик катта куч. Уни тўғри йўлга бошқарилганидагина ҳар қандай муаммони ҳал этиш мумкин. Демократиялаштиришнинг энг катта ютуғи ҳам шунда.

**Суҳбатдошларимизнинг фикридан кўриниб турибдики, "Адолат" СДПнинг Самарқанд вилоят Кенгаши ва унинг жойлардаги ташкилотлари амалий ишлар билан ўз обрў-мавқеларини кун сайин мустаҳкамлаб олмоқдалар. Муҳими, партия фаоллари жамиятимизнинг ҳозирги мақсад ва вазифаларини чуқур тушуниб етган, муаммоларни ҳал этишга қодир, мустақил фикрловчи кишилардир. Жамиятни эркинлаштириш зарурати вақтинчалик эмаслигини бу борада ҳокимлик ва бошқарув идоралари билан доимий ҳамкорлик қилиш зарурлигини яхши билишади.**

**Демак партия ташкилотини янги ташвишлар, янги мулоқотлар, янги ташаббуслар кутмоқда.**

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**"Адолат"нинг ўз мухбири.**

*Ўзбекистон чет элликлар нигоҳида*

***Ўрта Осиё мамлакатлари тарихи жаҳон тадқиқотчиларини кўпроқ ўзига жалб этиб келган. Бугунги кунда жумладан, Ўзбекистоннинг тарихи ҳам хорижликларни эътиборини тортмоқда. Яқинда биз мамлакатимизда илмий изланишлар олиб бораётган Америкалик олим Вайоминг университети профессори Марианна Канн билан суҳбатда бўлдик.***

## ЮРТИНГИЗНИНГ МАФТУНИМАН

**—Ҳурматли Марианна хоним, айнан Ўзбекистон тарихига қизиқишингиз боиси нимада деб биласиз?**

—Мен Чикаго университетида ўқиб юрган пайтларимда илк бор Ўзбекистон тўғрисида эшитганман. Талабалик йилларимда ислом маданияти, Эрон, Усмонли турклар тарихини ўрганиш билан бир вақтда Совет Иттифоқи деган давлатнинг тарихи билан ҳам шуғуллана бошладим. Рус тили ва адабиётини чуқур ўрганишга ҳаракат қилдим. Кунларнинг бирида бир профессор Ўрта Осиё тарихи ҳақида маъруза ўқиди. Маърузани тинглар эканман "нақадар ажойиб-а!"—дея ҳайратландим. Аста-секин мазкур ҳудуд ва унда жойлашган мамлакатлар тарихи, маданияти билан яқиндан танишиш учун кутубхоналарда жиддий ишлар олиб бора бошладим. Ўзбек олимлари яратган асарларни ўрганиш мақсадида ўзбек тили курсларига қатнадим. Маълум муддат ўтгач ўзбек олимлари билан алоқа ўрнатдим. Кейинчалик улар мени Ўзбекистонга таклиф этишди. Биринчи бор 1991 йилда Тошкентга келдим. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университетида бир неча илмий ишлар қилдим. Шу муддат ичида Ўзбекистон билан яқиндан танишдим. Кўплаб илмий маълумотлар, манбалар ва хотиралар тўпладим.

**—Сиз Америкада эшитган ва ўз кўзингиз билан кўрган Ўзбекистон ҳақида фикрларингиз?**

—АҚШдалигимда бу юрт тарихи ҳақида ўқитувчиларимиздан эшитганман ва китобларда ўқиган эдим. Жуда қадим ва салмоқли даврларни ўз ичига олган, умуминсоният учун ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бу ўлканинг маданий-илмий тарихи билан танишишга қизиқардим. Бу ерга келиб ҳақиқатдан ҳам, асрий анъаналар, бетакрор ва қадимий меъморий обидаларни, беназир санъат намуналарини кўриб ҳайратландим. Самарқанд, Бухоро каби азим шаҳарларни ва улардаги қадимий санъат асарларини дунёнинг ҳеч бир жойида учратиб бўлмайди. Ўзбек мусиқа санъати ҳам ўзига хос тарзда экан. Нозик оҳанглар билан кишини ўзига ром этади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишим кераки, Ўзбекистондаги фан-таълим, маориф соҳасидаги ўзгаришлар мени қизиқтирмоқда.

**—Ҳозирда олиб бораётган илмий ишларингиз хусусида тўхталиб ўтсангиз?**

Кейинги йилларда мен тарих фанининг ўзига хос йўналиши бўлган Oral history яъни оғзаки тарих соҳасида тадқиқотлар олиб бораяпман. Фаннинг ўзига хос қисми бўлган бу йўналиш кўтарилаётган масалани гувоҳи бўлган кишиларнинг хотира ва кечинмаларини ўрганиб, кейинги мавжуд илмий маълумотлар билан солиштирган ҳолда қиёсий ўрганилади. Айни дамда мен Ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан XX асрнинг 20-30 йилларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўз кўзи билан кўрган одамларнинг коллективлаштириш нима эди, унга халқнинг муносабати қандай бўлган ва унинг натижаси қай даражада бўлди? Каби саволларга аниқ ва асосли фикрлари билан танишаяпмиз.

**—Ҳамкорликда ишлаётган тадқиқотчилар орасида шогирдларингиз ҳам борми?**

—Ҳа бор. Бир неча ўзимга яқин ҳамкасб ёш тадқиқотчилар билан биргаликда илмий изланишлар олиб бораяпмиз. Мен уларга ўз йўналишим бўйича маслаҳатлар бераман, йўл-йўриқлар кўрсатаман. Тарих жуда кенг қамровли соҳа, шунинг учун тарихчи жуда кўп маълумотлар манбаи бўлмоғи лозим. Мисол учун Ўзбекистоннинг маълум бир даври тарихи Марказий Осиё, керак бўлса Ғарб мамлакатлари тарихи билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиши мумкин. Агар буни тор доирада ўрганса, яхши натижа чиқмайди.

**—Илмий фаолиятингизни келажакда Ўзбекистонда давом эттириш ниятингиз борми, ёки...?**

—Менинг илмий тадқиқотларимнинг жўғрофий имкониятига Ўзбекистондан ташқари Марказий Осиё мамлакатлари, Эрон, Туркия, Афғонистон, Хитой каби бир қанча давлатлар ҳам киради. Ўша жойларда илмий ишлар олиб боришни режалаштирганман. Бироқ, Ўзбекистондаги фаолиятим тадқиқотларимнинг ўзаги бўлиб хизмат қилади.

**Суҳбатдошлар: Нурали ШОДИЕВ.**
**Зафар КАЛОНОВ,**
**"Адолат" мухбири.**

*Қонун ижроси билан кучли*

## ПРОКУРАТУРАНИНГ АРАЛАШУВИ БИЛАН

*фуқароларнинг мурожаатлари ижобий ҳал этилмоқда*



***Жамиятимизда демократик тамойиллар чуқурлашган сари янги ва умумбашарий талабларга, миллий қадриятларга асосланган қонунлар қабул қилинишига ҳаётий эҳтиёж деб қараш мантиқан асослидир. Мамлакатимизда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун 1994 йил 6 майда қабул қилинган эди. Ижтимоий тараққиёт ва аҳолининг ўсиб бораётган ҳуқуқий эҳтиёжи каби омиллар бу қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритишни тақозо этди. Шу эҳтиёж юзасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг X сессияси (2003 йил 13 декабрь)да Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.***

Кўпчиликка яхши маълумки, янги таҳрирдаги бу қонун 5 боб ва 28 моддадан иборат бўлиб, унда фуқароларнинг давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳақида белгилаб берилган конституциявий ҳуқуқлардан фойдаланишлари бўйича муносабатларининг қонуний асослари кўрсатиб берилган. Ушбу қонун ижросини таъминлаш бўйича туманимиз прокуратураси томонидан махсус тадбир асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Туманимиздаги ташкилот ва корхоналар, мавжуд 46 та умумтаълим мактаблари, иккита коллеж ва лицейда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари билан учрашувлар уюштирилиб, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун ва моҳияти ҳақида қизғин фикрлашувлар ўтказилди.

Бу йиғилишларда фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари, берилаётган ариза, таклиф ва шикоятларни бериш тартиби ҳамда уларни кўриб чиқиш муддатлари, тартиби ва бу борада фуқароларнинг ҳуқуқлари, давлат органларининг мажбуриятлари, уларни кўриб чиқишда қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик бўйича аҳолига кенг тушунчалар берилиб, уларнинг саволларига аниқ жавоблар берилди. Энди фикримизни аниқ мисоллар билан бойитсак мақсадга мувофиқ бўлар, деб ўйлайман. Ўтган йили туманимиз прокуратурасига фуқаролардан 93 та ариза, таклиф ва шикоятлар тушди. Шулардан 28 таси бевосита бизнинг аралашувимиз билан ижобий ҳал этилди. 30 та ариза эса ҳал этишлик учун тегишли идораларга юборилди ва прокуратура томонидан назорат қилиб борилди. 35 та ариза жиноий ишларга тааллуқли бўлганлиги сабабли ҳаракатдаги жиноят ишларига қўшилди.

Туманимиз прокуратурасига тушган ариза ва шикоятлар қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилди ва ариза муаллифларига тегишли тартибда жавоблар қайтарилди. Хусусан, Ҳ.Эшонов номли ширкат хўжалигидан фуқаро Қ.Ҳамроев ҳуқуқшунос вазифасида ишлаб келиб, 1 йилдан буён иш ҳақи ололмаётганлигини, Б.Бегимқулов ҳам шу хўжаликда ишлаган даври учун иш ҳақини беришмаётганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат этишган эди. Прокуратуранинг аралашуви билан Қ.Ҳамроевга 50 минг сўм, Б.Бегимқуловга 47500 сўм миқдорида қонуний иш ҳақлари ундириб берилди.

Туманимиз прокуратурасига фуқаро Абдурашид Жаҳонгиров ва бошқалардан шикоят тушган эди. Ушбу шикоятнома асосида "Сурхондарёгазтаъминоти" идорасининг Қизириқ туман филиалига нисбатан фуқаролик судига даъво аризаси киритилди. 29 нафар ишчи-хизматчига 1999-2000 йиллар учун 1 миллион 864 минг сўмдан зиёдроқ иш ҳақи тўлаш юзасидан киритилган бу даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилди ва ходимлар пайсалга солиб келинаётган иш ҳақларини олишди.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва ёрдам кўрсатиш ўрнига айрим банклар масъул ходимлари улар ишига халақит бериши, тўғоноқ бўлиши ҳолатлари ҳам учрамоқда. Масалан, "Фазо" жамоа корхонаси раҳбари Пўлат Раҳимов шикоятномаси бўйича текшириш ўтказилганда "Тадбиркорбанк"нинг туман бўлими бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Абдураим Холмуродов корхона ҳисоб рақамида мавжуд бўлган маблағ ҳисобидан маҳсулот олиш мақсадида "Термизозиқовқаттаъминот" корхонасига 1 миллион 400 минг сўм, "Сурхонозиқовқат" ҳиссадорлик жамиятига 550 минг сўмни ўтказиб беришни қасддан пайсалга солиб келганлиги аниқланди. Прокуратуранинг аралашуви билан бу сансалорликка чек қўйилди ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жамоанинг иши изга тушиб кетди. Айбдор шахсларга нисбатан тегишли қонуний таъсир чоралари кўрилди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, прокуратура жазоловчи идора эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқий эҳтиёжларига хизмат қиладиган, фаолияти қонунларимизнинг инсонпарварлик руҳини, моҳиятини очиб беришга йўналтирилган идорадир. Шу туфайли туманимиз прокуратураси ходимлари бевосита меҳнат жамоаларида, ўқув муассасаларда тез-тез бўлишиб, қонунлар тарғиботи бўйича суҳбатлар ўтказиб келишмоқда. Фуқароларни қизиқтирган ҳуқуқий мавзудаги саволларга жавоб қайтаришмоқда.

Фуқаролардан тушаётган оғзаки мурожаатлар махсус дафтарда қайд этилиб, уларнинг ижроси, қонуний ҳал этилиши юзасидан амалий чоралар кўрилмоқда. Бу мурожаатларнинг барчаси ўз қонуний ечимини топаяпти.

**Нормўмин ҲАМРОЕВ,**
**Қизириқ тумани прокурори,**
**адлия кичик маслаҳатчиси.**

**Ўзбегим фарзандлари**

# «ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ»



***Бундан тахминан ўн йиллар илгари тижоратчи дўстим бир воқеани ҳикоя қилиб берганди. У Саудия арабистонлик йирик банк ходими билан Тошкентда учрашиб қолибди. Улар анча суҳбатлашибдилар. Юртдошимиз Арабистонда анчагина ўзбеклар яшашини, уларнинг деярли ҳаммаси бой-бадавлат ҳаёт кечиришини билиб, суҳбатдошига дебди:***

***—Биродар, менда бир таклиф бор. Ўзингиз биласиз, юртимиз эндигина мустақилликни қўлга киритди. Шу сабабли ҳам анчагина аҳолининг турмуши қийин кечяпти. Эшитишимча сизларда ўзбеклар ўзига тўқ яшаркан. Қўлларида хизматкорлар бор эмиш. Агар иккаламиз келишсак-да беш-олти минг ўзбекларни ўша хонадонларга ишга юборсак.***

Шундай қилсак, биринчидан юртдошларимиз яхшигина маблағли бўлишарди. Қолаверса тил ўрганишарди, касб ўрганишарди, тижорат илмидан бохабар бўлиб, Ўзбекистонда тижорат ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб юборишлари мумкин.

Бу гапларни эшитиб турган арабистонлик банкир:

—"Тавба денг, соҳиб, тавба денг",-дея унинг сўзини бўлибди.

—Бизнинг юртимизда ўзбекларни Исмоил Бухорий, Мотрудий, Беруний, Ибн Сино авлодлари деб билишади. Уларни қора ишларга, яъни хизматкорликка раво кўришмайди. Ўзбеклар бизнинг наздимизда улуғ инсонлар ҳисобланишади.

Дарҳақиқат, юртимиз тарихига, юртдошларимиз ишларига назар ташлайдиган бўлсак, улар дунё илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшган комил инсонлар бўлганлигини билиш қийин эмас.

Ўзбекнинг забардаст олимлари ҳозир ҳам ўзининг илмда эришган ютуқлари билан жаҳон аҳлини ҳайратга солмоқда. Ана шундай салоҳиятли олимлардан бири Россия Федерациясидаги Иммунология институти Давлат илмий маркази директори академик Раҳим Мусаевич Ҳайитовдир.

Камина Раҳим Мусаевич билан учрашиб у киши билан суҳбатдош бўлдим.

—Мен асли Самарқанддан,— дейди у суҳбатни давом эттираркан. Отам ҳам, онам ҳам шифокор бўлишган. Шу сабабли ҳам ёшликданоқ ота-она изидан боришга аҳд қилганман.

**—Айтингчи, иммунология касбини қандай танлагансиз?**

—Самарқанд Давлат медицина институтида ўқиётган пайтларим эди. Янглишмасам учинчи курсдалигимда қўлимга "Иммунология" деган китоб тушиб қолди. Ишонасизми, китобни ўқишга бошладиму, унга шундай берилиб кетдимки, мутолаа қилиб бўлгач ҳам ундаги фикрлар, ғоялар, таҳлиллар мени ўзига сеҳрлаб олди. Анча муддат қўлимдан қўймай қайта-қайта ўқиб чиқдим. Кейинроқ иммунология билан астойдил шуғуллана бошладим.

Шу соҳага оид бошқа адабиётларни топиб ўқидим. Отам ёрдамларида аста-секин лаборатория ташкил этдим. Қуёнлар, сичқонлар ва бошқа ҳайвонларни топиб, тажрибалар ўтказа бошладим. Кеча-кундуз астойдил ишладим. Қилаётган ишингга қизиқсанг, унинг самарасидан завқлана олсанг, чарчоғинг ҳам билинмас экан. Ишларим юришиб кетди.

Институтни битирган пайтимга келиб жиддий тажрибаларим асосида ўндан зиёд илмий мақола эълон қилган эдим.

**—Бу сизни илм аҳли ўртасида анча танилишингизга сабаб бўлгандир?**

—Шундай деса ҳам бўлаверади. Аммо ўзингиз яхши биласиз, ўша 60-йилларда бизнинг лабораториямиз менинг изланишларим даражасидаги талабга жавоб бермаслигини тушуниб етдим. Менда "Иммунология" китоби муаллифи Рем Викторович Петров билан ёнма-ён ишлаш истаги туғилди. Инсон мақсад сари астойдил интилса эришмайдиган нарсаси йўқ.

**—Демак, орзуингизга эришибсиз-да?**

—Институтни битирдиму, билет олиб Москвага жўнавордим.

**—Тайёргарлик кўрмасдан, ҳужжат тўғирламай марказга бориб қандай яшайман, ишга қандай жойлашаман, деб ўйламадингизми?**

—Ҳеч нарсам бўлмаса-да, ўшанда аниқ мақсадим бор эди...

Тўғри аввалига анча сарсон бўлдим, қийналдим. Ниҳоят ўша мени ўзига ром этиб қўйган "Иммунология" китоби муаллифи ишлайдиган Биофизика институтига келдим. Рем Викторовични топдим-да:

—"Мана қизил дипломим, мана эълон қилган илмий ишларим, сиз билан бирга ишламоқчиман",—дедим. Аммо ўша пайтда Петров бошлиқ лабораторияда бўш ўрин йўқ экан.

Маълум бўлдики, Рем Викторович ўша пайтда Англиядан инбред сичқонларини келтирган. Бу сичқонлар генетик жиҳатдан тоза ҳисобланиб, хромосомалари ниҳоятда ноёб бўлиб, шу сабабли тажрибалар ўтказиш учун қулай эди. Аммо шогирдлари ушбу бебаҳо материалдан олти ойдирки фойдалана билишмаётган экан.

**—Демак, устозингиз уларни сизга ишониб топширган?**

—Тахминан шундай. Рем Викторович мени олдига чақириб шундай деди:

—Менинг ёш дўстим. Ўзингизни кўрсатиш учун мана сизга имконият. Агар иш усулларини ўзлаштириб, тадқиқотни йўлга қўйсангиз ишга оламиз. Акс ҳолда хайрлашишимизга тўғри келади.

У менга уч ой мухлат берди. Мен эса уч ҳафтада ишни ўзлаштириб олдим. Тажрибани йўлга қўйдим. Аввалига бунга ҳеч ким ишонмади. Юзлаб фотосуратлар олишга, тажрибаларни қайд этишга тўғри келди. Тадқиқотлар аниқ натижалар бера бошлади. Ишларимиз юришиб кетди. Қатор кашфиётлар юзага келди. Уларнинг натижаси сифатида икки йил ўтиб, диссертация ҳимоя қилдим.

**—Номзодлик диссертациясинми?**

—Йўғ-э, докторликни. Мен номзодлик диссертациясини институтни тугатибоқ ёқлаганман.

**—Энди бевосита сиз шуғулланаётган иммунология ҳақида суҳбатлашсак. Газетхонларга шу фан ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.**

—Иммунология инсон организмининг ташқи муҳит таъсири ва касалликларга қарши ҳимоя жараёнини ўрганади. Масалан нафас олаётган ҳавоимиз, ичаётган сувимиз, истеъмол қилаётган озиқ-овқатимизда минглаб, миллионлаб микроблар бўлади. Булар биологик жиҳатдан биз учун бегона ҳисобланади. Мисол учун биргина грипп вирусини олайлик. Ушбу зарарли микроорганизмлар доимо инсон танасига кириб туради. Лекин одам доим ҳам касалланавермайди. Биласизми нимага?

**—Йўқ.**

—Гап шундаки, инсон организми ўзини ўзи ҳимоя қилиш хусусиятига эга. Ушбу хусусият танга ўтган зарарли "ташқи душманлар"ни вақтида аниқлайди ва йўқ қилади.

**—Эшитишимча инсон организмининг иммунитети ўз танасида янги содир бўладиган ички ҳосилаларга ҳам қарши курашар экан.**

—Албатта. Аслида инсон иммун системасида "ташқи душманлар"дан ташқари "ички душманлар"дан иборат вируслар, бактериялар ҳам бўлади. Одамда 10-13 даражали жуда кўп таначалар мавжуд. Ушбу таначалар жуда тез бўлиниш хусусиятига эга. Масалан, ўсимта таначаларини олайлик. Деярли ҳар бир одамда доимо маълум миқдорда мутант-таначалар пайдо бўлиб туради. Улар рак касаллиги таначаларига айланиши мумкин. Бироқ инсон иммунитети учун улар бегона ҳисобланади. Шу сабабли рак клеткаларини иммун системамиз аниқлаб, ҳалок қилади.

**—Ҳозир инсоният олдида СПИД деган хавфли касалликни бартараф этиш вазифаси турибди. Сиз раҳбар бўлган жамоа ушбу муаммо билан шуғулланаяптими?**

—Инсоннинг иммун системаси ғоят мураккаб. СПИД касаллигининг вируси эса иммун системамиздаги атига бир турдаги "СД-4" деб номланган таначаларни йўқотади. "СД-4" таначалари эса инсон иммун системасининг бошқарувчиси ҳисобланади. Шу сабабли ҳам соппа соғ одам СПИД билан касалланганда оддийгина шамоллашдан ҳам вафот этиши мумкин.

**—Айтингчи, иммунитетнинг инсон организмига зарар келтирадиган томонлари ҳам борми?**

—Бахтга қарши бор. Баъзан иммун системасининг айрим микроблар, овқатлар, ўсимликдан чиқадиган чанг, ҳидларга нисбатан нотўғри ишлаши натижасида аллергик таначалар ҳосил бўлади. Натижада одам турли хил аллергик касалликларга чалиниши мумкин.

Ҳозир ривожланган мамлакатларнинг ҳар бирида аҳолининг 30 фоизга яқини ушбу касалликка чалинган. Бизнинг марказимизда аллергияни энг янги, замонавий дорилар асосида даволаш йўлини топганмиз. Бизда яратилган "Аллерготропин" деб ном олган препаратлар ичида "Гриппол" деган дори ўзининг самарадорлиги жиҳатидан жаҳонда ягона ҳисобланади. У грипп касаллигига қарши инсон иммунитетини кучайтиришда катта ижобий самаралар беряпти.

Яна бир муҳим гапни айтиб ўтмоқчиман. Марказимизда ҳозир грипп, бруцеллез, тиф, ичбуруғ ва бошқа юқумли касалликларга қарши инсон иммун системасини мустаҳкамлайдиган янги авлод вакциналари яратилди. Шунингдек СПИД касаллигига қарши янги препарат дунё юзини кўриш арафасида. Насиб қилса, яқин орада аср вабоси ҳисобланган ушбу касалликни ҳам самарали даволай бошлаймиз.

**—Раҳим ака, Сиз Самарқандда ўсиб вояга етгансиз. Россияда яшаб, фан доктори, академик бўлдингиз. Юртингизни соғинмайсизми?**

—Албатта соғинаман. Ўзбекистоннинг мард, танти, меҳнаткаш халқини яхши кўраман. У ерда тез-тез бўлишга ҳаракат қиламан. Борганимда касбдошларим билан учрашиб тиббиёт соҳасидаги янгиликлардан уларни хабардор этаман. Ўз навбатида улардан ўзимга керакли маълумотлар янгиликларни оламан.

Аввало мен шифокорман. Менинг учун инсон саломатлиги ҳамма нарсадан улуғ. Менинг бу ерда, Москвада эришган ютуқларим Ўзбек халқи саломатлигига ҳам ҳисса қўшиши фикри менда фахр ифтихор туйғуларини пайдо қилади.

**Суҳбатдош: Каримжон РИХСИЕВ.**



Уйчи туманидаги А.Мўминов номли ширкат хўжалиги заршунослари жорий йилда 367 гектар ерга барака уруғи қадаб, чигитни бир текис ундириб олишга муваффақ бўлишди. Айни кунларда кенг пайкалларда ниҳоллар парвариши уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.



СУРАТЛАРДА: бош ҳосилот Раҳимжон Қодиров пудратчилардан Жалолиддин Ғаффоров ва Тоҳиржон Исматуллаев билан униб чиққан ниҳолларни кўздан кечирмоқда; ушбу ниҳол деҳқон меҳри, ҳалол меҳнати билан мўл ҳосил тўплаши аниқ.

## ВАСИЯТНОМА БЎЙИЧА ВОРИСЛИК

***Ҳар бир шахс ўз мулкини ўзи истаган шахсга тасарруф этиш ҳуқуқини беришга ҳақлидир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг тегишли моддасига биноан, фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулки ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.***

Васиятнома эса шахс ўзига тегишли бўлган мулкни бошқа шахсга, унинг вафотидан кейин васият олган шахсда унинг мол-мулкига нисбатан мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи бир тарафлама битимдир. Васиятнома нотариус томонидан, алоҳида ҳолларда эса, нотариал ҳужжат тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, яъни касалхона, госпиталлар, даволаш муассасалари бош шифокорлари, қариялар ва ногиронлар уйлари раҳбарлари, ҳарбий қисмларда нотариус бўлмаган пунктларда, ҳарбий қисмлар командирлари, озодликдан маҳрум этиш жойлари бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

Фуқаро ўзига тегишли бўлган уй-жойни ёки унинг маълум қисмини, автомашинани, банкдаги ҳисоб рақамида сақланаётган пул жамғармаларини, шунингдек, мол-мулкнинг барчасини бир шахсга ёки бир неча шахсга меросхўрлар бўлган ёки меросхўрлар доирасига кирмайдиган шахсларга, давлатга, юридик шахсга ёки фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиб қолдириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига биноан васиятнома сир сақланиши кафолатланади. Васиятноманинг тузилиши, ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига оид ҳар қандай маълумот нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс, васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган шахс мерос очилгунга қадар ошкор қилишга ҳақли эмас.

Васият қилувчи шахс васиятномада аниқ маълумотлар кўрсатиши лозим. Чунончи, васият қилувчи ҳақидаги аниқ маълумотлар, васиятнома тузилган ва имзоланган сана, мол-мулкнинг қанча ва қай миқдорда, аниқ кимга қолдирилаётганлиги кўрсатилиши даркор. Васиятнома Фуқаролик кодексига зид келмаган тартибда тузилиши лозим, васиятноманинг тегишли шаклда тузилмаганлиги уни ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади. Васият қилувчи васиятнома матнини исталган пайтда ўзгартириши ёки бутунлай бекор қилиши мумкин. Бекор қилиш ҳақидаги ариза васиятномани гувоҳлантирилган нотариусга ёки нотариал ҳаракатни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахсга шахсан васият қолдирувчи томонидан берилиши лозим. Васиятномани вакил орқали тузишга йўл қўйилмайди.

**Жамила СОТВОЛДИЕВА, Тошкент давлат юридик институти 3-курс талабаси.**

**Орамиздаги одамлар**

## ҚЎЛИНГ ДАРД КЎРМАСИН

### *— дейишмоқда Каттақўрғон тумани деҳқонлари темирчи Инатулла Саноқуловга*

***Инутулла темирчилик касбига ёшлигида меҳр қўйди. Отаси ишлаётган устахона уйларининг шундоққина яқинида жойлашгани учунми, ўқишдан бўш пайтларида темирчилар қаватига келиб, баъзи ишларга ёрдам берарди. Олов тафтида чўғдек қизартирилган темир Санақул ота қўлидаги болға зарбидан ёйилиб борарди. Отасининг ҳаракатлари ва маҳорати билан ўша қиздирилган темирдан кетмон, ўроқ-тешалар тайёрланарди. Инатулла отасининг темирга жон киргизиб, уни ўзига бўйсундираётганидан завқланарди.***

-Сен ҳам акаларингдек касбимга ихлос қўйганга ўхшайсан ўғлим,-деди Саноқул ота ҳар куни ёнига келиб у-бу ишига қўл солишаётган Инатуллага.

-Катта бўлсам мен ҳам сиздек темирчи бўламан, дадажон.

Инатулланинг қатъиятлик билан айтган бу сўзидан Саноқул отанинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

-Баракалла ўғлим, ота касбига меҳр қўйган ўғил муродига етади. Темирчилик деҳқончилик билан боғлиқ бўлган шарафли касблардан биридир. Биз тайёрлаётган кетмон ва ўроқлар билан деҳқонларимиз ерда ҳосил етиштириб, ўришади.

Интилганга толе ёр деганларидек, Инатулла ота касбини эгаллаб, акалари қатори устахонада меҳнат фаолиятини бошлаган кунларданоқ сифатли кетмон,теша, болта ва ўроқ тайёрлай бошлади. Унинг деҳқончилик иш қуроллари кўпчиликка манзур бўлди. Кун сайин талабгорлар ҳам кўпая борди. Кимдир кетмон, яна кимдир ўроқ, темир ўчоқ ясатиш учун Инатуллага мурожаат этадиган бўлишди.

-Ука сен тайёрлаган кетмоннинг сеҳри борми дейман,-деди мижозларидан бири,-кетмонни қўлга олиб ишга киришишимдан ғайратимга- ғайрат қўшилади. Барака топгин, бизни сира чарчатмайдиган кетмон тайёрлаяпсан.Ўроқларинг ҳам жуда енгил ва ўткир.

Дарвоқе, ота касбини ўттиз уч йилдан буён ардоқлаб, ҳалол меҳнат қилиб келаётган Инатулла Саноқуловдан ҳамон истеъмолчилар мамнун. У ана шу йиллар мобайнида қанчадан-қанча кишиларнинг кўнглини олди.Кетмон ва ўроқ ясатиш учун туманимизнинг Андоқ, Мойбулоқ, Қўшҳовуз сингари чекка хўжаликларидан деҳқонларимиз эринмай унинг устахонасига келишади. У қишлоқ аҳлига иш қуролларидан ташқари темир ўчоқ, отларнинг туёқларига тақалар ҳам тайёрлаб бераётир.

Бир вақтлар ота қўлида шогирд бўлган Инатуллани бугун кўпчилик уста Инат дея номини ҳурмат билан тилга олишяпти. У баракали меҳнат қилиб истеъмолчилар талабини қондириш билан бирга анчагина шогирдлар ҳам етиштирди.

—Инатулла Саноқулов ўз касбининг моҳир устаси,-дейди "Зафар" кичик корхонаси раҳбари Ваҳоб Ҳайитов, -меҳнат жараёнида хом ашёни сира чиқиндига чиқармайди. Тайёрлаётган маҳсулотининг ўлчовини яхши билади, нимаики тайёрласа сифатли, ихчам бўлишига эришади. Энг муҳими буюртмачиларни куттириб қўймайди. Уларга нисбатан ширин муомалада бўлади.

Инатулла ака ҳар куни иш бошлаётганида отасининг "Темирни ҳам пири бўлади ўғлим, ҳалол ишлаганни пирлари қўллайди" деган сўзларини эслайди. У ота васиятига амал қилиб доимо касбидан барака топаяпти.

**Ирода ЖАЛИЛОВА.**

**• Жараён**

## ҲУҚУҚИЙ КЎМАК ЮКСАЛИШ ДЕМАК

***Ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш мамлакат фуқароларининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини янада юксак даражага кўтаришни тақозо этади. Бу борада турли юридик муассасалар, хусусан нотариал идоралар зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган. Айтиш жоизки, Жиззах вилояти Зомин тумани давлат нотариал идораси ходимлари ҳам ўз вазифаларига чуқур масъулият билан ёндашмоқдалар. Идора томонидан амалга оширилган кенг қўламдаги ишлар қуйидаги далил ва рақамларда ҳам ўз аксини топган.***

Ўтган йил сарҳисобига кўра, туман миқёсида бажарилган 1123 та нотариал ҳаракатлар юзасидан 5613037 сўм миқдорида давлат божи ундирилди. Пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 136941 сўмни ташкил этди.

Айни пайтда туманда 1105 нафар фермер фаолият юритмоқда. Нотариал хизмат ходимлари фермер ва тадбиркорларга ҳуқуқий соҳада яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Мазкур муассаса ташаббуси билан фермерлар уюшмаси қошида ҳуқуқий бурчак ташкил этилиб, деҳқон ва фермерларга зарур маслаҳатлар бериб бориш йўлга қўйилди.

Маълумки, яқинда ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида республика Адлия вазирлиги томонидан корхона ва ташкилотлар учун "Текширишларни тартибга солиш китоби" ёрдамида иш юритиш жорий этилган эди. Нотариал идора томонидан 500 дан ортиқ фермер хўжаликларига ана шундай зарурий қўлланмалар етказиб берилди.

Идорамизга кўплаб фуқаролар ўзларини қийнаётган муммолар юзасидан мурожаат қилишади. Жумладан, тумандаги "Мақсуда" фермер хўжалиги раҳбари М.Фозилова банкдан тегишли миқдорда кредит олишга ёрдам беришни сўраб мурожаат қилганди. Нотариус кўмаги воситасида фермер аёлни қийнаётган масала тез фурсатда ҳал этилди. "Оқар" ижара ширкатлар бирлашмасига қарашли "Сафар ота" фермер хўжалиги раҳбари Шароф Шахамов ҳам айни шу масала юзасидан нотариусга мурожаат этган. Бу фермер ҳам нотариал идора аралашуви билан керакли миқдорда кредит олишга муваффақ бўлди. Умуман, бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Яқинда туман марказида истиқомат қилувчи Раъно Абурайимова нотариусга мурожаат қилиб, отасидан қолган уйни ўз номига расмийлаштириб беришни сўради. Унинг талаби ҳам қонуний асосда қондирилиб, уй Р.Абдурайимова номига расмийлаштирилди. Пишоғор қишлоғида яшовчи Арофат Хушбоқова ҳам худди шу мазмунда, марҳум эрининг ҳовлисини ўз номига ўтказиб беришни сўраган эди. Қисқа фурсатда уй қонуний асосда фуқаро А.Хушбоқова номига ўтди.

Умуман олганда, фуқароларимизни ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш, уларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қатори давлат нотариал идораларининг ҳам бурчи экани бу соҳа вакилларини янада кўпроқ куч-ғайрат ва масъулият билан ишлашга даъват этмоқда.

**Тўрабек ЗУЛИМОВ, Зомин туман давлат нотариал идораси катта нотариуси.**

## ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ

***1994 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси қарори билан 15 май –Халқаро оила куни деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан "Экосан" Халқаро жамғармасида "Экосан-маҳаллада" дастури доирасида "Оила саломатлиги ижтимоий –экологик ўлчамларда" мавзуида учрашув ўтказилди.***

- Бу куннинг байрам сифатида нишонланиб келиниши халқаро ҳамжамиятнинг оилага бўлган эътиборни кучайганидан далолат беради, -деди "Экосан" халқаро жамғармаси раиси Юсуфжон Шодиметов "Туркистон-пресс" мухбирига.- Мазкур сана оила манфаатларини кўзлаган ҳолда, оиланинг жамиятдаги ўрни, оила муносабатларини мустаҳкамлаш ва муаммоларини ўрганиб чиқиш ҳамда оила масаласи билан боғлиқ бўлган дастур ва қонунларнинг бажарилишини таъминлаш учун янги имкониятлар яратишда қўшимча манба ҳам бўла олади.

Учрашувда табиатни муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларнинг олдини олиш, маҳаллаларда барқарорликни таъминлашда оиланинг ўрни, оила манфаатларини таъминлашнинг қонуний асослари, оила саломатлигида санитария ва гигиена, тиббий маданиятнинг роли, оилада соғлом турмуш тарзининг шаклланиши ва ислом динида оилавий муносабатлар масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек учрашув иштирокчилари Оролбўйи, Тожикистон алюмин заводининг салбий таъсири ва шунга ўхшаш ҳудудларда кўп оилалар истиқомат қилиши, қишлоқларни сув ва газ билан таъминлаш етарли даражада эмаслиги, тоза ичимлик сувининг сифати ҳамиша ҳам санитария-гигиена талабларига жавоб бермаслиги, ушбу муаммоларни ечимини топишда нафақат давлат органлари, балки нодавлат ташкилотлари ҳам ўз ҳиссасини қўшиши лозимлиги таъкидланди.

**Бир шикоят изидан**

## ...КЎЛАНКАСИ МАЙДОН РАҲБАР

***Газетамиз кунига кўплаб ариза ва шикоятлар олиб туради.Уларнинг аксарияти фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи, қадр-қиммати паймол этилаётгани хусусидадир.Биров жамоадаги ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар хусусида, бошқаси масъул мансабдор шахсларнинг ўзбошимчалиги ҳақида куйиниб ёзади. Бу каби "нома"ларнинг аксарияти эҳтирос билан "муболаға"дан унумли фойдаланган ҳолда ёзилгани уларни ўрганиш жараёнида ойдек равшан бўлиб қолади. Аммо ҳар бир шикоят замирида ҳақиқат бўлиши табиий. Ажабланарли томони шундаки, айрим ҳолларда аризачи ўзи мурожаат этган жойлардан ҳақиқатни тополмайди.***

Хўш, мутасаддилар эса негадир хат ортида инсон тақдири борлигини унутишади.

Ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилган Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида истиқомат қилувчи Шоҳида Даминовага ҳам шундай назар билан қарашди. Тегишли ташкилотларга ёзган шикоят аризалари натижасиз қолаверди...

—Охири ҳақиқатни истаб, "Алолат"га мурожаат қилишга мажбур бўлдим,-деб ёзади Ш.Даминова.-Вилоят ўсмирлар ва талабаларни соғломлаштириш маркази очилгандан буён шу ерда кадрлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлайман. Ҳозир марказни Амир Эшмирзаев бошқармоқда. Бу кишигача жамоага Х.Муҳаммадиев, Б.Бобомуродов етакчилик қилган.Уларнинг даврида жамоамиз аҳил ва иноқ эди.

Амир Эшмирзаев раҳбар бўлиб келгач, ўзига ёқмаганларни ишдан четлатиш ва аксинча у киши кўнглига йўл топганларни ишга жойлаштиришга киришди. У мени "бош бухгалтер билан катта миқдорда пул ўзлаштиргансан", деб қўрқитиб, ишдан кетказмоқчи бўлди. "Одамларни ноқонуний ишга олгансан, манфаатдорсан. Ишламай пул олгансизлар, аризангни ёз", дея қўлимга бир неча бор қоғоз тутқазди.

А.Эшмирзаев марказда янги тартиб ўрнатди. Махсус комиссия шифокор ва ҳамшираларининг икки ойлик иш ҳақини бермади. Талаб қилганларга эса: "Иш ҳақингни бермайман, қаерга борсанг бор, қўлингдан келганини қил! дея қўпол муомала қилди. Ҳаттоки менинг шахсий ҳаётимгача аралашди, шу туфайли оилам бузилиб кетишига сал қолди. Ўзимни тўхтовсиз таъқибга олаверди. Туҳмату иғво уюштириб милицияга топширди. Аммо одил суд менинг ҳақлигимни исботлади. А.Эшмирзаев эса бундан дарғазаб бўлиб, сохта далолатномалару, сохта қарорлар тайёрлади-да, ишдан бўшатишга муваффақ бўлди.

Яъни вақтинча меҳнат қилиш қобилиятини йўқотиб, шифохонада даволанаётганимда А.Эшмирзаев у ерга бориб, мени ҳисобдан чиқаришларини талаб қилиб жанжаллашган.

Аслида бош шифокоримиз одамларни ишга қабул қилишда ва ишдан бўшатишда амалдаги Меҳнат қонунларига бўйсунмади. Штат жадвалига амал қилмади. У билан келишолмай қолганимизнинг асосий сабабларидан бири ҳам шу. Ҳамширалар сони шундоқ ҳам белгиланганидан ортиқ бўлгани ҳолда Шоҳиста Расуловани "Менга чой дамлаб беради", дея ғайриқонуний тарзда ишлатиб юрди. Хазинабонимиз ишдан бўшамай туриб, унинг ўрнига, бу соҳада маълумоти бўлмаган Нилуфар Сайитқуловани хазинабон вазифасига ишга олди. У Шоҳистанинг жияни эди.

Хотинининг қариндоши бўлмиш Олим Каримовни хўжалик мудири лавозимига ишга тайинлади. "Бу йигитнинг махсус маълумоти йўқ экан", десам, "Бошимни қотирма, буйруқни чиқар!"-дейишдан нарига ўтмади. Амалда эса Олимбой А.Эшмирзаевни машинада сайр қилдириб юради. Илгариги хўжалик мудири Эшқувватов Мирзоҳид ҳам қонуний тарзда вазифасидан озод этилган эмас.

Мен жамоамиздаги носоғлом муҳит ва бош шифокор Амир Эшмирзаевнинг қилмишлари ҳақида вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси раҳбариятига шикоят хати ёздим. Бироқ мурожаатларим жавобсиз қолди.

Хўш, шикоятчи қай даражада ҳақ? Биз ушбу масалани ўрганиш жараёнида қуйидагиларни аниқлашга муваффақ бўлдик.

Амир Эшмирзаев илгари вилоят ўсмирлар ва талабаларни соғломлаштириш марказида катта врач бўлиб хизмат қиларди. Кўп ўтмай "қовун тушириб" қўйди. Бу хол Амир Эшмирзаевнинг меҳнат дафтарчасида 10-сон билан қуйидагича зарб этилган:

"24.10.2002 й. Вилоят ҳокимининг 25..2002 й, 288/19-сонли қарори ва вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг 22.10.2002 й. 203-1, 3-сонли буйруғига асосан ишда йўл қўйган хато-камчиликлари учун вазифасидан озод этилди. Буйруқ 13.1.24.10.2002й. Кадрлар бўлими бошлиғи: (имзо) Ш.Даминова".

Юқоридагидан кўринадики, Амир Эшмирзаев марказда катта шифокор бўлиб, ишлаган пайтида хато ва камчиликларга йўл қўйгани учун 2002 йил 22 октябрда вазифасидан озод этилиб, ўз мутахассислиги бўйича кардиология диспансерига ишга юборилган. Аммо ўз ишини эплай олмаган мутахассис орадан кўп ўтмай вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғининг 85-к буйруғи 2-бандига биноан 2002 йилнинг 9 декабридан эътиборан мазкур марказга бош шифокор этиб тайинланди.

Ногаҳон амал курсисига қайта ўтирган Амир Эшмирзаев юқорида айтганимиздек, ўзига ёқмаганларни ишдан бўшатиш ва дидига ўтирганларга эса вазифа улашишни бошлаб юборди. Мана яна бир мисол: "Марказнинг стоматолог шифокори Эргашев Зокир 1 ноябрь 2002 йилдан ўз хоҳиши билан Ўзбекистон Республикаси МКнинг 99-моддасига асосан ишдан озод этилсин ва ходим билан тузилган шартнома бекор ҳисоблансин.

Асос: ВССББнинг 13-05-2002 йил № 111 № 2-сонли буйруғи ва Эргашев Зокирнинг аризаси. Бош шифокор (имзо) Эшмирзаев А. Аслига тўғри (Думалоқ муҳр ва имзо). Буйруқ билан танишдим (имзо йўқ.) ЭРГАШЕВ З".

Сохтакорликни қаранг-ки, Амир Эшмирзаев аслида 2002 йил 9 декабрда марказга бош шифокор бўлиб келган, Зокир Эргашевни эса 1 ноябрда ишдан бўшатмоқда.

Энди Зокир Эргашевга қулоқ тутайлик-чи у нима дер экан: "Ҳокимликнинг қарори ва шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг буйруғига асосан 2002 йилнинг февраль ойидан 31 декабргача Қарши шаҳар ҳарбий чақирув пунктида стоматолог-шифокор бўлиб ишладим. Лекин 2002 йил ноябрь, декабрь ойлари учун менга иш ҳақи беришмади. Иш ҳақини беришни сўраб марказ бош шифокори Амир Эшмирзаевга бир неча бор мурожаат этдим. Аммо у ёрдам бериш ўрнига мен билан жанжаллашиб қолди. 2003 йил январь ойидан ҳеч қанақа ариза олмасдан мени иккинчи маротаба ўз хоҳишимга кўра деб ишдан бўшатган. Мен билан ҳеч қандай меҳнат шартномаси тузмагани ҳолда уни бекор деб ҳисоблансин, дея қайд этгани ажабланарли".

Жабрдийда Зокир Эргашев ростдан ҳам 2002 йил ноябрь, декабрь ойлари маошини олмаганми? Унда ноябрь ойи учун 60-тўлов ведомостида Зокир Эргашев номидаги 12139 сўмни ва декабрь ойи учун 66-тўлов ведомостидаги 12139 сўм пулни ким имзо қўйиб олган, ахир?!

Марказнинг бош ҳисобчиси Асқар Бекелдиев ўзининг тушунтириш хатида: "...Эргашев Зокир 1 ноябрдан ишдан озод этилсин, деб буйруқ чиққан. — Лекин табелда Эргашев Зокирни ноябрь, декабрь ойларида тўлиқ ишлагани кўрсатилган. Эргашев Зокирнинг ноябрь, декабрь ойлари учун иш ҳақини олган-олмаганини билмайман. Зокир Эргашевни 1 ноябрдан ўз хоҳишига кўра вазифасидан озод этиш тўғрисидаги маъмурият буйруғини сохта деб ҳисоблайман. Чунки марказнинг бош шифокори Амир Эшмирзаевнинг ўзлари 9 декабрдан раҳбар бўлиб ишга келиб ходимларни бўшатиш учун 1 ноябрдан буйруқ бериши қонунларимизга зиддир".

Марказнинг собиқ хазиначиси Сирожиддин Тоғаев билан суҳбатлашганимизда у: "Вазифасидан 2003 йил 1 февралдан бўшаб кетганини, Эргашев Зокирнинг ноябрь, декабрь ойларидаги иш ҳақини олган-олмаганини марказнинг бош шифокори Амир Эшмирзаевдан сўрашимизни билдириб, агар-да мен биладиган бўлсам ҳозирги вақтда ҳам марказда хазиначи бўлиб ишлаб турар эдим",—дея ўз суҳбатини якунлади.

Марказга келадиган дори-дармонларнинг тарқатилишини ўрганиш мақсадида бош шифокорга мурожаат қилганимизда у зарур ҳужжатларни кўрсатишдан бош тортди.

Шикоят-аризада кўрсатилган далиллар уларни ўрганиш жараёнида исботини топди. Шикоятчини тинчитиб қўйиш мақсадида бош шифокор Амир Эшмирзаев томонидан турли хил бўҳтонлар ўйлаб топила бошлаган. Ниҳоят Шоҳида Даминовага нисбатан сохта далолатномалар, сохта буйруқлар, сохта қарорлар қабул қилиниб ишлаб турган вазифасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексинининг 100-моддаси 3-банди билан четлаштирилган. Бундан хабар топган Шоҳида Даминова ноҳақликларга чидай олмасдан, юқори ташкилотларга ҳамон аризалар ёзмоқда. Ўйлаймизки, қилни қирқ ёрадиган ҳуқуқ посбонлари ушбу можарога чек қўйиб адолатнинг қарор топишини таъминлайдилар.

**Ҳазраттулло РЎЗИЕВ, "Адолат" мухбири.**

# "СИНО" ТАҚДИМ ЭТАДИ



***Маълумки, бундан икки йил аввал Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги маданият ваколатхонаси тарафидан ўзбек тилида "Сино" деб номланган илмий-адабий, фалсафий-ирфоний, маънавий-маърифий уч ойлик журнал нашр этила бошланган эди. Яқинда мазкур журналнинг навбатдаги—8-сони босмадан чиқиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди.***

Одатдагидек, "Сино"нинг ушбу сонида маънавиятга ошно кўнгилларни янада чароғон қилгувчи қатор мақолалар чоп этилган. Чунончи, Ҳожи Абдуллоҳ Ансорийнинг Қуръони каримга битган ўн жилддан иборат адабий-ирфоний тафсири журнал саҳифаларида Асқар Маҳкам таржимасида берила бошлаган.

"Пайғамбаримиз (С.А.В.) замонида одамлар ўзларини имон ва исломга нисбат берардилар ва солиҳ кишиларни мўъмин ва муслим деб аташарди. Зоҳид ва обид исми эса кейинроқ пайдо бўлди, сўнг эса дунё аъмолидан бутунлай воз кечиб, ибодатни одат этиб олганлар ўзларини сўфийлар деб эълон қилдилар". Мазкур сўзлар эронлик йирик олим доктор Абдулҳусайн Зарринкўб қаламига мансуб "Эрон тасаввуфидаги изланишларнинг давоми" асаридан олинган бўлиб, журнал саҳифаларида бу асар Олим Давлатпур таржимасида берила бошланган.

Фалсафа фанлари номзоди, доцент Саъдулла Йўлдошев "Аллома Иқболнинг форсий мероси" мақоласида машҳур файласуф-шоир Муҳаммад Иқбол ижодини таҳлил қилади. Филология фанлари номзоди Султонмурод Олим "Тавба мақоми" мақоласида тасаввуфий тавба тушунчаси ҳақида атрофлича фикр юритади.

Журнал саҳифаларида доктор Саййид Ғуломризо Исломий миниатюра санъати бўйича ўз қарашларини баён этади. Фалсафа фанлари доктори, профессор Тилаб Маҳмудов эса миниатюра фалсафаси ҳақида сўз юритади.

Шеъриятга шайдо диллар Мавлоно Жалолиддин Румийнинг Жамол Камол таржимасида мунтазам берилаётган "Маснавийи маънавий"сини мутолаа қилишлари баробарида замонавий Эрон адабиётида янгича шеъриятга асос солган Али Нури Исфандиёрий—Нимо Юшиж ижод намуналаридан баҳраманд бўладилар.

Бундан ташқари, журналдан Ўзбекистон ва Эрон маданий ҳаётига оид яна бир қатор мақолалар ўрин олганки, улар ўқувчиларга албатта манзур бўлади, деган умиддамиз.

**Саъдиддин САЙДИСЛОМОВ.**

*Оила камоли- юрт жамоли*

# "СИЗГА БАХТДАН ТАХТ ТИЛАЙМИЗ"

***Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш бўлимидагилар ёш-келин куёвларни доимо шундай яхши ниятлар билан олқишламоқдалар***



Бўлим мудираси Барно Рўзиевадан "Ҳаётингиздаги энг бахтли он қачон" дея сўрасангиз ҳеч иккиланмай "Ёшларга бахт ва омад тилаган пайтларим" деб жавоб беради. Зеро, бундай шарафга ҳамма ҳам мушарраф бўлавермайди. Ёш келин-куёвларни янги ҳаётга, оила деб аталмиш муқаддас кошонага йўллаётган Барно Рўзиева ҳам, у билан биргаликда ишлаётган мутахассислар ҳам мана бир неча йиллардан буён шундай қувончли онларнинг шукуҳини дилдан хис этмоқда.

-Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси билан Мирзо Улуғбек тумани ҳокимиятининг амалий ёрдами боис шинам бинога ва қулай иш шароитига эга бўлдик,—дейди ФХДЁ бўлими мудираси Барно Рўзиева.—Бу ерда соҳамиз бўйича ҳамма ишлар кўнгилдагидек амалга оширилмоқда. Бўлимимиз қошида 1996 йилдан буён ишлаб турган "Ёш оила мактаби" оилаларнинг камолига хизмат қилаяпти. Маҳаллалар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўяяпмиз. "Обод маҳалла йили" муносабати билан Ҳамид Олимжон номли маҳаллада, "Олимлар" маҳалласида бир неча бор бўлиб, маҳалланинг жамиятимизда тутган ўрни, оила мавзуларида суҳбатлар ўтказдик. "Никоҳ тўйи ва унинг босқичлари", "Оилавий маросимлар"га доир тавсиялардан кўпчиликни хабардор қилдик. Никоҳ тўйлари ва бошқа маросимларни кам чиқим, ихчам ва сермазмун ўтказиш юзасидан тушунтиришларимизни бердик. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти талабалари, бир қатор коллежлар ва мактабларнинг ўқувчи ёшлари билан ўтказган мулоқотларимиз ҳам самарали бўлди.



Барно Рўзиева малакали юрист. 1985 йили ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг ҳуқуқшунослик факультетини тугаллаган. 1995 йилгача Тошкент вилоят "Матлубот" жамиятида бош юрист—колсультант бўлиб ишлади. Сўнг "Наврўз никоҳ уйи"да назоратчи-инспектор бўлиб фаолиятини давом эттирди. 1999 йилнинг ноябрь ойидан буён Мирзо Улуғбек тумани ФХДЁ бўлимининг бошлиғи. Икки фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи Рустам Рўзиев юридик фанлари доктори, профессор. Барно Рўзиева ўз оиласининг камолидан тўлқинланади. Истайдики, ҳамма учун ҳам оиланинг муқаддаслиги бир умр бўлса. Афсуски, бунинг уддасидан чиқолмаётганлар ҳам бор. Бироқ у бошлиқ жамоа ажарашмоқчи бўлган оилаларни энг охирги дамларгача сақлаб қолишга, бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилишмоқда. Буни тушунган оилаларни эса ҳаёти яна изга тушиб кетаяпти.

**Аҳмад АЛИЕВ.**

**Суратларда: бўлим мудираси Барно Рўзиева, бўлим инспекторлари Арофат Рўзиева, Нигора Турғунова, катта инспектор Гулчеҳра Йўлдашева ва нозир Гўзал Усмоновалар доимо бир-бирлари билан шундай ҳамжиҳатликда иш олиб борадилар.**

*Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига*

# ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ТАРҒИБОТЧИСИ

***Халқ оғзаки ижоди ва унинг ёзма адабиёт тараққиётида тутган ўрнини юксак баҳолаган Ғафур Ғуломнинг бу соҳани кенг тарғиботчиси сифатидаги фаолияти адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутади.***

***У 1939 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон ёзувчиларининг иккинчи қурултойида қилган фольклор ҳақидаги маърузаси ва шу маъруза асосида эълон қилинган "Фольклордан ўрганайлик" мақоласида кўп асрлик тарихга эга бўлган халқ оғзаки ижодининг ранг-баранглиги ва юксак бадиийлиги, унинг ёзма адабиёт тараққиётига катта таъсир кўрсатувчи хусусиятлари қатор мисоллар орқали кенг кўрсатиб берди. Чунончи, Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" асари билан бу позманинг халқ ўртасида айтилиб юрган варианти ва фольклорнинг ўзаро боғлиқ назарий муаммоларини қамраб оладики, бунда у моҳир адиб, айни чоғда зукко тадқиқодчи сифатида намоён бўлади.***



У ёзади: "Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин"ни ёзишда халқ адабиётидан кенг фойдаланиш билан бирга, иккинчи навбатда Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин"и ҳам фольклорга таъсирсиз қолмаган. Халқ оғзида айтилиб келаётган бир неча вариантлардаги бу достонларда асосий сюжет бўлиб, Навоий тексти ётади".

Ғафур Ғуломнинг мазкур мақоласидаги "уста эртакчилар оғзида айтилиб келинган... жуда пухта ишланган, бадиийлиги, санъати юқори эртаклардан" бўлган "Уч оғайни ботирлар" таҳлилидаги зийраклик билан билдирилган фикрлар ҳам таҳсинга лойиқ.

"Халқ оғзаки ижоди-фольклорнинг ҳозирги шоирларимизга ҳам таъсири кучлидир,-деб ёзади Ғафур Ғулом. -Фольклор устида ишлар экан, "Алпомишдай бир улуғ достонни ишлаб чиқиб, босмага тайёрлар экан, ана шу процесснинг ўзи ҳам шоир Ҳамид Олимжоннинг ижодига кучли таъсир қилди".

Мақоладаги Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин"и билан Фозил бахшининг айтган шу мавзудаги достони хотима қисмидаги воқеанинг ечими билан боғлиқ фарқ ҳақидаги таҳлили ҳам эътиборни тортади. Бунда у етук адабиётшунос ва фольклоршунос илмининг билимдон олими сифатида намоён бўлади. Шунингдек, мақола муаллифининг халқ бахшиларининг ўзига хос ижодий йўналишлари, ўзбек ёзма шеъриятида халқ қўшиқларининг тутган ўрни, фольклорнинг ёзма адабиётга таъсири масалалари билан боғлиқ назарий фикрлари диққатини тортади.

Ғафур Ғуломнинг "Фольклордан ўрганайлик" мақоласига доир бу айрим мулоҳазаларни баён қилар эканмиз, муаллифнинг ана шу фикр-мулоҳазалари, халқ ижодининг катта маънавий бойлик сифатидаги хусусиятларининг адибнинг ижоди жараёнида сайқал топа бошлагани ва адабиётшунослигимиздаги фольклор ва ёзма муносабатига доир масала назарий ва амалий жиҳатдан адабиётимизда шаклланиб, айрим ижобий белгилари кўринаётганининг гувоҳи бўламиз.

Ғафур Ғулом ва халқ оғзаки ижоди мавзуи шу қадар кенг ва ранг-барангки, уни махсус ва чуқур ўрганиш керак бўлади. Ғафур Ғуломнинг айрим асарлари ёзилишининг шоҳиди бўлган қаламкаш дўстларининг хотирлашича, у жуда кўп шеърларининг вазнини халқ қўшиқларини ҳиргойи қилиб туриб топган, уни изчил ва равон бир ўлчовда давом эттирган. Табиийки, бунда халқ қўшиқлари поэтикасига хос хусусиятлар ҳам шеърий мисраларга сингиб кетганлиги шубҳасиздир. Халқ қўшиқларидаги мусиқийлик ва равонлик, образли сўз ва ифодалар, мақол ва маталлар, умуман фольклор асарларининг лексик бойлиги Ғафур Ғуломнинг сиёсий лирикаси ва публицистик шеърларига айрича руҳ бериб туради. Бу хусусият шоирнинг "Кўкан" достонидаги халқона тасвир руҳидаги ўринларда ҳам аниқ кўринади.

Ғафур Ғулом ўзининг қатор юмористик ҳикояларининг сюжетини халқ латифалари асосида, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, ҳолатини халқ юмори кучи билан тасвирлаш орқали уларнинг бутун кирдикорлари ва ички руҳий оламини очишга эришади. Мана шундай асарларидан бири "Луқмон" ҳикоясидир. Бунда ёзувчи асар воқеасининг баёни жараёнида киноявий оҳангдаги ҳажвий тасвир усулини кенг қўллайди. Ҳикоянинг сюжет мотиви халқ латифаларига яқин туради.

Ёзувчининг маҳорати шундаки, у латифа мазмунини ҳикоянинг умумий сюжет тўқимасига шу қадар сингдириб юборадики, унда ҳеч қандай каштачилик тугунини кўрмаймиз. Асарда қўлланган бу усул айни чоғда ҳикояда олға сурган фикр-ғояни ўта кучли бир тарзда ифодалаш, бош қаҳрамоннинг барча кирдикорларини кенг очишга кўмаклашади.

Ана шу тарзда фольклор мотивлари ёзувчи ижодига сингиб боради.

Худди шу ҳодисани адибнинг "Ҳийлайи шаърий", "Элатияда бир ов", "Ҳажи қабул бўлди", "Чўтир хотиннинг толеи", "Эшонобод" ҳикоялари ва қатор фельетонларида ҳам кўришимиз мумкин. Ғафур Ғулом мешчанлик, ялқовлик, ҳийла-найрангни сув қилиб ичиб юборган тутуруқсиз устаси-фарангларни фош қилувчи бу хил ҳикояларида халқ ўртасида кенг тарқалган ва халқ ижодининг намунаси сифатида фольклор хазинасига айланган халқ латифалари, ривоятлар, ҳангомалардан жуда унумли фойдаланади,уларга социал мазмун, мантиқий мукаммаллик касб этгани ҳолда ўз ижодий услубини тобора чархлаб боради. Бу хусусда унинг "Ҳийлайи шаърий" ҳикояси характерлидир. Мазкур ҳикояга кўп жиҳатдан туртки берган ривоят ва халқ латифалари Аъзам Аюбнинг "Қиёматлик уч талоқ" ҳикоясига ҳам асос бўлган.

Фольклор сюжетларига ижодий ёндашиш, бир хил яқин мотивдаги халқ ижоди асарларига муносабат, фольклор элементларидан саралаб, ундан моҳирлик билан фойдаланишда Ғафур Ғуломнинг "Тирилган мурда", "Шум бола" қиссалари алоҳида ўрин тутади.

"Шум бола" қиссаси, баъзи тадқиқотларда таъкидланганидек, фақат халқ эртаклари, хусусан "Тум сағирлигим" эртаги асосида ёзилган десак, асарнинг катта ижодий изланишлар эвазига дунёга келгани, унинг социал моҳиятини, унинг юксак бадиий қимматини ва ёзувчи санъаткорлигини тўла кўрсата олмаган бўламиз. Аслида, ёзувчи бунда халқ оғзаки ижодининг эртак, афсона, ривоят, латифалар, аския ва халқ қўшиқлари жанрининг синтезлашган бир усулини қўллайдики, натижада шартли романтик бўёқлардан мўл фойдаланган ҳолда, ўз қаҳрамонларининг мудҳиш ҳаётини умумлаштириб, унинг жонли тасвирини беради.

Бу қиссанинг ўзбек прозасининг энг нодир намуналаридан бўлиб қолганлигининг боиси ҳам шундаки, унда ҳаёт материали ёзувчининг шахсий кечмиш-кечирмишлари фонида ғоят оригинал бир услубда тасвирланган.

Ёзувчи асарнинг ёзилиши тарихи ҳақида адабиётшунос А.Наумов билан бўлган суҳбатда бундай деган эдим: "Тўғрисини айтишганда, дастлаб ниятим ёшлигим ҳақида автобиографик қисса ёзишмиди ёки бошдан охиригача қизиқ ҳангомалардан иборат бўлган болалар китобини яратишмиди-буни ҳозир эслаш осон эмас.

Мен ўзим сезмаган ҳолда қаҳрамонимизга юз йиллар мобайнида халқим болалари бошидан кечирган кўпгина воқеаларни кўчирдим. Бироқ менинг шум болам, ҳар қалай, кейинчалик ёзувчи бўлиб етишган Ғафур номли бола эмас. Ўн минглаб ўзбек болаларидан бири эди. Унинг саргузаштлари эса, умумга хос бўлиши мумкин эди..."

Асардаги Шум бола қисматини кўздан кечирар эканмиз, беихтиёр ёзувчининг болалик йилларини, унинг саргузаштларини эслаймиз: "Кирмаган эшигим, қилмаган хизматим, тутунмаган ишим қолмади,-деб эслайди ёзувчи ўз болалалигини,-этикдўз косибга шогирд тушдим, бўлмади. Кейин тунука қирқиб, майда чега михлар ясай бошладим, тузук эди, кейин мазам қочди, тирикчилик ўтмайдиган бўлди...".

Ўз қисмати орқали миллионлаб меҳнаткаш халқ фарзандларининг ўтмишда дарбадарликда, муҳтожлик ва бекиёс хўрликда кечирган ҳаёти, саргузашти, моддий ва маънавий танг аҳволини, психологиясини ёрқин ҳаётий деталлар орқали типик бир ҳолда тасвирлаш чинакам санъаткорлик эди. Бунда шубҳасиз, турли жанрдаги халқ оғзаки ижодининг тасвир ва баён усуллари, романтик тасвир йўллари чуқур юмор билан суғорилган жонли ва бой халқ тили хазинаси ёзувчига, адибнинг ўзи эътироф этгандек, катта ижодий таянч бўлди.

Ғафур Ғуломнинг "Шум бола"ни қайта ишлаш, уни янги саҳифалар билан тўлдириш,характерлар тасирини янги тизгилар билан бойитиш жараёни қарийб 20 йилларгача давом этади. У янги ижодий ишлар билан банд бўлганида ҳам унинг хаёлини "Шум бола" ҳеч қачон тарк этмайди.

Уч қисмдан иборат бу асар аслида 1936 йилда ёзилиб нашр этилган. 1937-41 йиллар асарга янги саҳифалар ёзилган (Бу қўшимча саҳифалар шоирнинг 10-жилдлик асарларининг 4-жилдида "Шум боладан саҳифалар" номи билан эълон қилинган).

Ғафур Ғулом қисса устида қайта ишлаб, айрим воқеаларни ривожлантириб, унга янги саҳифалар қўшар экан, қаҳрамонларнинг замон ва воқеликка муносабати, турмуш ҳақидаги ўй ва таассуротлари, ички хаёллари, умуман, улар психологиясини кенгроқ очиш мақсадида ривоят ва афсоналардан кенг фойдаланади.

Эндиликда, Ғафур Ғуломнинг фольклорга муносабатидаги бой ижодий тажрибаси ундан кейинги авлод ёзувчиларининг ва сўнгги истиқлол даври адабиёт вакилларининг бу борадаги изланишларида катта ижодий мактаб бўлиб қолди.

**Ғаффор МЎМИНОВ,**
**филология фанлари доктори.**

*Ажаб савдолар*

# ЎЗИГА ҒУРБАТ СОТИБ ОЛДИ

## *ёки "Ботиржон савдо" хусусий фирмасидаги қинғир ишлар хусусида*

***Халқимиз қадимдан тижорат билан шуғулланган. Савдо-сотиқ қилувчилар азалдан жамиятда ўз ўрни, мавқеига эга. Ҳалоллик эса тижоратнинг бош мезони бўлган.***

Мамлакатимизда ўрта ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганлар учун кенг имкониятлар, ҳуқуқий асослар яратилган. Янги иш ўринлари очиб, меҳнати орқасидан яхшигина даромад қилаётганлар сони ортиб бораётир. Аммо, аччиқ бўлса-да очиқ гапни айтиш керак. Фирма ёки хусусий корхона очиб ишлаётганлар орасида шерикларига панд бераётган, давлат олдидаги бурчини унутаётганлар ҳам учраб турибди.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги "Ботиржон савдо" хусусий фирмаси раҳбари Ботиржон Муллажонов ҳақида "достон" ёзса арзийди. Негаки, бу шоввоз юлдузни бенарвон урадиганлар тоифасидан экан. "Фирмач" 2003 йилнинг январь-март ойларида 1 миллиард 600 миллион сўмлик ноқонуний товар айланмасини амалга оширган. Ботиржон Муллажоновнинг бир ўзи шунча ишни қилган десак, баъзилар ишонмаслиги мумкин. Аслида эса шундай.

Хўш, "Ботиржон савдо"да қандай қинғир ишлар бўлган? Фирма ўтган йили ташкил этилган бўлса-да кўплаб қонунга зид ишлар, нотўғри операциялар амалга оширилган. Асосан давлат ва хусусий корхоналарга хизматлар кўрсатиб, уларга бутловчи қисмлар етказиб берамиз, дея пулни шақиллатиб ҳисоб-рақамига тушираверган фирма раҳбарини ҳеч иккиланмасдан сеҳргар дейиш мумкин. Қисқа вақт ичида давлат ташкилотларидан "у заказингизни қойиллатиб бажараман, бу заказингизни дўндириб ташлайман", деб лақиллатиб 522 058 500 сўмни "ундириш"нинг ўзи бўладими?

Хусусий корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳаракатини ҳам оқлаб бўлмайди. Улар "мушкулимизни окахонимиз осон қилади", деган умидда "Ботиржон савдо" ҳисоб рақамига 1 миллиард 101 миллион сўмдан зиёд пулни ўтказиб беришган. Маблағ етарли. Энди бизнесни "гуллатса" бўлади. Бирни ўн қилишнинг айни фурсати. Бошқаси билан нима иши бор унинг. Шундай қилиб, шерикларга берилган ваъдалар унутилди, буюртмалар эсдан чиқди. 1 миллиард 600 миллион сўм тезда харидоргир, бозори чаққон тамаки ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун ўтказилди. Омад дегани шу бўлса керак. Қўлга жарақ-жарақ пул тушиб турибди. Ҳеч кимдан кам жойи йўқ. Дарвоқе, Ботиржон анча "сахий" экан. Солиқ ва бошқа тўловлар учун дарёдан томчидек атиги 253 000 сўм тўлабди. Ковла-ковлада маълум бўлдики, давлат бюджетига тўланадиган солиқ миқдори оз эмас, кўп эмас 86 000 000 сўм экан! Яна бир гап. Миллионлаб сўм нақд пул киссага тушаверган. Бироқ банкка топшириш хаёлдан "кўтарилган". Тўғри, фирма раҳбари "мардлик" қилиб 5 689 800 сўмни банкка топширган. Аммо бу билан қинғир ишларни ёпиб бўлмас экан. Ҳужжатлар ҳар қандай қонунга зид ишни ошкор этади. Эҳтимол, Ботиржон Муллажонов "операция"ни бошлаганида ким билиб ўтирибди, билиб қолишса "текислаб" юбораман, деган хаёлга борган бўлиши мумкин. Лекин кўп ўтмай фирма раҳбари қаттиқ адашгани маълум бўлди. Текширишда "Ботиржон савдо"даги ажаб "савдо"лар очилди. Сир фош бўлди. Шунга айтсалар керак, қинғир иш — келтирар ташвиш, деб.

Мавриди келганда мулоҳазамизни айтсак. Агар Ботиржон Муллажонов қонуний, ҳалол савдо-сотиқ қилганида, даромадини яширмай солиқ ва бошқа тўловларни тўлаганида ортиқча гап-сўзлар бўлмасди. Афсуски,у бойишнинг ғайриқонуний усулини танлаб хато қилди. Ўзига ўзи ғурбат сотиб олди.

**Равшан ҚОДИРОВ,**
**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ходими**
**Ботир МИРҲАМИДОВ,**
**Яккасарой туман прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи.**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли қарори талабларини бажариш юзасидан Паркент туманида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, туман прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими туман Давлат Солиқ инспекцияси ҳамда туман ИИБ билан ҳамкорликдаги иш режасига мувофиқ олиб борилган текширувлар ўзининг катта самарасини берди. 2003 йилнинг 1 апрелигача 4 та жиноят иши, 17 та маъмурий иш қўзғатилди.***

Одатда, ҳалол савдо билан шуғулланувчилар ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликларни тезда ўзлаштириб, иш фаолиятларида унга қаттиқ риоя қилаверадилар. Лекин нафс балосига ўрганган кўнгиллари ўртанса ҳам қўймайдиганлар, афсуски, бунинг уддасидан чиқа олишмайди.

Паркент "Деҳқон бозори" қошида ташкил этилган "Савдо харид корхонаси"га қарашли ошхонада аҳоли билан нақд пуллик ҳисоб-китоб назорат-касса машинасиз амалга оширилгани оқибатида ошхонадагиларга 453500 сўм жарима солинди. Ваҳоланки, суриштирув чоғида 5211028 миқдорида савдо пул-

# ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

лари назорат-касса машинасидан ўтказилмагани аниқланди. Корхона раҳбари Х.Ортиқовга киссаси билан кассани адаштириши анча қимматга тушадиган бўлди.

Паркент "Деҳқон бозори" ҳудудида жойлашган "Паркент" ТСХЖУга қарашли ошхонадаги "Силекс — 7004" русумли назорат касса машинаси савлат тўкиб турсада, негадир "овози" ўчган. Ошхона ходими Ф.Юнусов 2001, 2002, 2003 йилларга ижарага олган ошхонада савдодан тушган 969 000 сўм пулни "кисса"дан ўтказиб қўя қолган. Умуман, текширишлар натижалари шуни кўрсатяптики, афсуски, баъзи тадбиркорлар "кассанг борми-бор" қабилида иш тутиб, савдо маданиятини қўпол тарзда бузаяптилар.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўзганинг ҳаққига, харидорни алдашнинг кўриниши турлича бўлса-да, моҳияти битта — ҳиёнат, кассадан "уриб", киссага урадилар, баъзилар эса "рўйхатдан ўтиш"дан бўйин товлайдилар.

Паркент шаҳрида жойлашган "Фазлиддин" хусусий фирмасига қарашли "Холтой ота" ошхонасида сотувчи Э.Холтоев таомларга, сотилаётган айрим спиртли ичимликларга нарх кўрсаткичларини қўймай бемалол савдо қилаверган. Ёки шаҳарчада жойлашган яна бир "Мовароуннаҳр" хусусий фирмаси савдо дўконларида ҳам ичимликларга нарх қўйилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Туманда ўтказилган текширишлар натижасида давлат бюджетига 59441.3 минг сўм миқдорида қўшимча солиқ ва мажбурий тўловлар ундирилди. Яъни, қонунбузарлар жазосини олдилар. Лекин масаланинг яна бир муҳим томони борки, бу ҳақда чуқурроқ мушоҳада қилиш керак. Одамларнинг маънавий дунёсидаги савдо савиясини ошириш жуда муҳим омилдир. Бу жамиятимизнинг тараққиёти, равнақида катта аҳамиятга эга.

Паркент туманида кўплаб эл хизматига камарбаста хусусий тадбиркорлар, тижоратчилар савдо тизимининг ўзига хос талабларига амал қилган ҳолда иш кўряптилар. Айниқса, аҳоли билан нақд пуллик ҳисоб-китобни назорат касса машиналари орқали бажариш борасида муайян кўникмага эга бўлган тадбиркорлар қайсидир маънода юксак савдо маданиятига эришган ҳолда жаҳон тижорат тизими андозалари бўйича ҳаракат қиляптилар. Тўғри, шоли курмаксиз бўлмаганидай, ютуқлар билан бирга камчиликлар мавжуд ва бу ҳолатдан кўз юма олмаймиз.

Бу борада барчамиз масъуллик ҳиссини сезишимиз бугуннинг талабига айланиб қолди.

**Ҳожибой АСҚАРОВ,**
**Тошкент вилояти Паркент туман прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи.**

# ДАВЛАТНИ АЛДАШ ГУМРОҲЛИК ЭМАСМИ?

## *ёхуд Сариосиё туманидаги "Шарғун" кўмир кони бошқармасидаги "кўмирдан ҳам қора ишлар" нега пайдо бўлди?*

***Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги "Шарғун" кўмир кони бошқармасида 2002 йилда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши ва бюджет муносабатлари юзасидан режа бўйича текшириш ўтказилди. Текширишда аниқланишича, бошқарма бухгалтерияси томонидан 2002 йил давомида бошқа корхона ва ташкилотларга юклаб жўнатилган товар-моддий бойликларга ёзиладиган ҳисоб варақ-фактураларини белгиланган шаклда расмийлаштиришда солиқ тўловчининг идентификация коди рақамлари кўрсатилиши шарт бўлгани ҳолда, реквизитларни тўлиқ тўлдирмаслик ҳолатларига йўл қўйилган. Жумладан, 5 та ҳолатда бошқа корхона ва ташкилотларга юклаб жўнатилган 320,5 минг сўмлик товар-моддий бойликларга ёзилган ҳисоб варақ-фактураларида юк олувчи корхона ва ташкилотларнинг реквизитлари ҳамда солиқ тўловчининг идентификация коди рақамлари кўрсатилмасдан қолдирилган.***

Ўтган йил якуни бўйича корхонанинг молиявий натижаси 200 миллион 810 минг сўм зарар билан якунланган бўлиб, қайта солиққа тортиладиган сарф-харажатлар 117 миллион 836 минг 800 сўмни ташкил қилади. Амалдаги солиқ қонунчилигига биноан ана шу суммадан 26 фоиз солиқ ундирилиши лозим, яъни, зарарлар суммаси солиқ солинадиган базани камайтириш учун асос бўла олмайди. Солиқ қонунчилигининг ана шу талабидан келиб чиққан ҳолда бошқармадан 30 миллион 637 минг 600 сўм фойда солиғи бюджетга қўшимча ундириш учун ҳисобланди.

Бошқарма мутасаддилари ва ҳисобчилари бюджет тўловларини четлаб ўтиш учун турли қинғирлик ва найрангбозликларга қўл урганлар. Чунончи, бошқа корхона ва ташкилотлардан қўшилган қиймат солиғисиз қабул қилиб олинган товар-моддий бойликлар умумий қийматидан асоссиз равишда 42 миллион 15 минг сўм қўшилган қиймат солиғи ажратиб олиниши оқибатида корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи шунча миқдорга камайтирилган. Бунинг натижасида эса экология солиғи бўйича база ҳам шунчага камайган. Шунинг учун 2002 йил якуни бўйича бошқармадан 420,1 минг сўм экология солиғи бюджет фойдасига ундириш учун ҳисобланди.

Бундан ташқари, бошқармада бюджетдан ташқари турли мажбурий ажратмаларга тўловларни амалга оширишда ҳам хато-камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Текшириш натижаларига кўра ушбу йўналишда 0,7 фоизли мажбурий ажратма учун 54,5 минг, 37,3 фоизли мажбурий ажратма учун 78,4 минг ҳамда 2,5 фоизли мажбурий ажратма учун 5,3 минг сўм-жами 138,2 минг сўм миқдорида қўшимча тўлов бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ундириш учун ҳисобланди.

Текшириш мобайнида яна шу нарса аниқландики, гарчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги Фармони талаби билан республика доирасида мавоза (бартер) асосида маҳсулотлар етказиб бериш таъқиқланган бўлса-да, бошқармада 2002 йил мобайнида Ўзбекистондаги корхона ва ташкилотлар билан 25 миллион 471 минг сўм миқдорида шу усулда товар алмаштириш ҳолатларига йўл қўйилган.

Бошқармада дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш борасида қилинган ишлар ҳам қониқарли эмас. Шу йилнинг февраль ҳолатига бошқарманинг умумий дебиторлик қарзлари 64 миллион 486 минг 300 сўм (шундан муддати ўтганлари 6 миллион 147 минг 100 сўм)ни, кредиторлик қарзлари эса 541 миллион 263 минг 400 сўмни ташкил қилган.

"Шарғун" кўмир кони бошқармасида жамоа мулкига кўз олайтириш ва уни талон-тарож қилиш ҳолатлари ҳам аниқландики, буниси энди ҳеч қандай қуюшқонга сиғмайди. Бундай нохуш ҳолатларга йўл қўйилган жойда бошқармада қандай барака, унум бўлиши мумкин. Масалан, корхонага қарашли автогаражда масъул ходимлар томонидан эҳтиёт қисмларни ноқонуний чиқим қилиш йўли билан 7 миллион сўмликдан ортиқ зарар етказилган.

"Шарғун" кўмир кони бошқармасидаги "кўмирдан ҳам қора бу ишлар" мутасадди мансабдор шахслар томонидан солиққа оид қонунчиликка зид равишда содир этилган хатти-ҳаракатлар эмасми? Улар бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқларни яшириш билан фойда кўряптиларми? Қолаверса, кимнинг чўнтагига қўл соляптилар? Агар бошқарманинг мутасадди мансабдор шахслари буни чуқурроқ ўйлаб кўрганларида эди, бюджетни алдаш билан ўз ҳамюртларининг ризқини қияётганликларини, қарияларни пенсиядан, талабаларни стипендиядан, ногиронларни нафақадан, фарзандларига таълим-тарбия бераётган ўқитувчиларни маошидан маҳрум қилаётганликларини англаб етган бўлардилар. Модомики, бундай кимсалар буни англашни истамас эканлар, уларга тўғри йўлни кўрсатиб қўйиш бизнинг вазифамиздир. Давлат мулкига кўз олайтирганлар, талон-тарожликка йўл қўйганлар қонун олдида жавоб бериши лозим. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак. Юртбошимизнинг "Одамлар очликка, ночорликка чидаши мумкин, лекин адолатсизликка ҳеч қачон чидай олмайди" деган ажойиб гаплари ҳаммамиз учун дастуриламал бўлиб қолиши зарур.

**А.АБДУМЎМИНОВ,**
**Сурхондарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи.**
**Б.ЖУМАЕВ,**
**бошқарма бош тафтишчиси.**

# ОЛТИН СУВИ ҚЎШИЛГАН БЎЁҚЛАР

***Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Европа комиссиясининг "Интаст" лойиҳаси доирасида "Темурийлар даври меъморчилик археоматериаллари" мавзуида семинар ўтказилди.***

Мамлакатимиздаги тарихий обидаларни томоша қилаётган сайёҳларнинг аксариятини бу иншоотлар бундан 5-6 аср аввал қурилган бўлсаю, уларнинг нақшларидаги ранглар жилоси қандай қилиб ўз жилосини йўқотмай келмоқда, қадимда одамлар бу нақшлар учун қандай бўёқлардан фойдаланишган, ўша бўёқларнинг таркиби нималардан иборат, деган саволлар қизиқтиради. Бу жумбоқ нафақат сайёҳларни, балки бутун дунё тарихчиларини ҳам ўйлантирмоқда.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистон янги тарихи маркази ходимлари хорижликлардаги ана шу қизиқишни, хусусан ўзбек халқи маданияти тарихининг ўрганилмаган қирраларини илмий тадқиқ қилиш заруратини инобатга олиб махсус лойиҳа ишлаб чиқди. Шунингдек Францияда ўтказилган Темурийлар тарихининг меъморчилик археоматериалларини ўзбекистонлик ва европалик мутахассислар ҳамкорликда ўрганиши борасида келишиб олинди. Шунга кўра бундан бир йил аввал халқаро миқёсда тадқиқот ишлари бошлаб юборилганди.

Франциялик мутахассислар Бухоро ва Самарқанддаги тарихий обидалардан намуналар олишди. Уларнинг физикавий ва кимёвий таркибини ўрганишди. Ушбу семинарда бир йил давомида олиб борилган ишлар натижалари ва лаборатория текширувларининг илк хулосалари муҳокама этилди.

Тадбирга сўзга чиққан хорижлик мутахассисларнинг эътироф этишича, Темур ва темурийлар даврида обидаларга ишлатилган бўёқларга олтин суви қўшилган. Бунга Оқсарой ва Гўри Амир мақбаралари мисол бўла олади. Ҳозирда олтин билан ишлов бериш усуллари унутилган. Ҳатто лабораториявий текшириш йўллари ҳам аниқланмаган. Лекин айни пайтда қайта таъмирлашнинг янги усуллари ўрганиляпти.

Халқаро семинарда ўрта асрларда ишлатилган қурилиш материаллари таркибини ўрганиш, меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш муаммолари, Ўзбекистон музейларининг мақоми ва музейшуносликни ривожлантириш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилди.

